Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1995 йил 25 октябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 42 (6688)

*Олий ўқув юртларида*

## ОҚ КЎНГИЛДАН ОҚ ҚОҒОЗГАЧА...

Ватан нима ўзи? У ҳақида ёзиш ниятида қўлига қалам тутган инсоннинг энг аввало кўнглидан нелар кечади? Хаёлот жилваларини, юрак бўронларини сўзлар орқали ифодалай биладими? Ватан туйғуси нурдек покиза, нурдек шифобахш, нурдек тез, тутқич бермас туйғудир. Худди шу қутлуғ туйғуни оқ қоғоз юзига жойлаб бўладими?

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Ватанни севмоқ иймондандир» мавзуси бўйича талаба-ўқувчилар ўртасида энг яхши иншо учун танлов ўтказишга жазм этганда юқоридагидек тизгинсиз саволлар барчанинг хаёлида чоппар уриб турарди.

Мана, танлов ҳам ўтказилди. Унда республикамиз ўқув юртларида таълим олаётган минг-минглаб талабалар чин кўнгилдан иштирок этдилар.

Талаба-ёшларнинг юрак тафти билан ёзган иншоларини ўқиб англадикки, уларнинг Ватан ҳақидаги тушунчалари кенг ва қамровли. Улар мустақилликни мустаҳкамлаш, тараққиётни таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишлардан мамнун. Ўз эл-юртидан фахрланиш ва ифтихор туйғулари самимий. Ватан тақдири ҳақидаги ўйлари, фикрлари ҳаяжонлидир. Ўз Ватанининг узоқ ва порлоқ ўтмиши, юксак маданий-маънавий қадриятлари, табиий ва моддий бойликлари, бугунги мустақил тараққиёти тўғрисидаги жўшқин туйғулари Ватан келажаги ва истиқболи ҳақидаги жонкуярликлари ҳамда Ватан олдидаги ўз бурч ва вазифалари тўғрисидаги ҳислари билан уйғунлашиб кетади.

«Ватанни севмоқ иймондандир» мавзуси бўйича ёзилган иншолар танлови ҳайъати аъзолари вазирликка юборилган иншоларни холисона кўриб чиқиб, бу ўзига хос мусобақа ғолибларини аниқлашди.

ТошДУ, биология-тупроқшунослик факультети талабаси Ниёзжон Наврўзова биринчи ўринни, ҚаршиДУ филология факультети талабаси Моҳигул Эшонқулова иккинчи ўринни эгаллади, учинчи ўрин эса Зоҳид Ҳакимовга — ТДТУ электроника факультети студентига насиб этди. Ўрта махсус билим юртлари бўйича эса ғолиблар қуйидагича белгиланди: биринчи ўрин Қурғонтепа қишлоқ хўжалик техникуми талабаси Ҳавасжон Халиловага, иккинчи ўрин Қўқон нефть техникуми талабаси Дадажон Қўчқоровга берилди, Хонобод саноат техникуми талабаси Муроджон Сафаров эса учинчи ўрин эгаси бўлди.

Республикамиз Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари вазирлиги ғолибларни пул мукофотлари билан тақдирлади. Биринчи ўрин эгаларига 2000 сўм, иккинчи ўринни олганларга 1500 сўм, учинчи ўринга сазовор бўлганларга эса 1000 сўмдан пул мукофоти тақдим этилди.




Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида рус тилида ёзилган иншолар бўйича ҳам ғолиблар шу тарзда аниқланди ва рағбатлантирилди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Ватанни севмоқ иймондандир» мавзуси бўйича ёзилган энг сара иншоларни тўплам сифатида нашр эттирди. Бу талабаларнинг ижодий парвозларига дебоча деб атасак муболаға бўлмас.

Мазкур иншолар тўплами мустақил республикамизнинг барча талаба-ёшларида қизиқиш уйғотади, уларнинг Ватан, иймон, меҳр-муҳаббат, масъулият, бурч туйғуларини ўткирлаштиришга маълум даражада хизмат этади, тил билимларини янада оширишга, фикр-мулоҳазаларини саводли ва аниқ, тўғри ва изчил ҳамда чиройли ифодалашга рағбатлантиради.

Биз қуйида айрим иншолардан олинган гўзал парчаларни муҳтарам муштарийларимиз эътиборига ҳавола этишни лозим топдик. Зеро, юракдан оққан тошқин ҳислар дарёси юракларга қуйилгусидир.

**Наргиза ЭГАМБЕРДИЕВА,**
**Янгиқўрғон мева-сабзавотчилик техникуми талабаси:**

*«Ватан, бу юракда ўсган дарахтдир. У инсоннинг қони, жонига туташ, ҳар бир юракнинг таянчи бўлмиш шажарким, илдизлари инсон жони, руҳи билан қўшилиб кетади. Ватан туйғусини ватансизлик жабрини тортганлар билади. Улардан сўрасак, улар ҳеч нимарса демаслар, лекин, юз қиёфасидаги мунг, кўзларидаги ҳасрат бизга жуда кўп гапларни айтиб беради.*

**Зоҳид ҲАКИМОВ,**
**Тошкент давлат техника университети толиби:**

*«Ўз Ватанини севган инсон — Ватани қайси жойдадир мақталиб, яхши гаплар гапирилса, ифтихор туйғуларига тўлади, агар унинг Ватанини камситиб гапиришса ёки шаънига ёмон гаплар айтиладиган бўлса, у жон-жаҳди билан ўз Ватани шарафини ҳимоя қилади, бошқача айтганда, «яхшисини ошириб, ёмонини яшириб» кўрсатади».*

**Моҳигул ЭШОНҚУЛОВА,**
**Қарши давлат университети талабаси:**

*«Мозийдан қолган бир афсона бор. Унда ривоят қилинишича, Ҳумо қушининг сояси кимнинг бошига тушса, бахтли бўлар эмиш. Назаримда, ўша қуш 1991 йилнинг кузида бирдан пайдо бўлди-ю, ўзбек диёри узра соя солиб ўтди. Ҳумонинг шарофати афсона бўлса ҳам, қодир худонинг қудрати билан халқимизга мустақиллик инъом этилди. Ўша мустақиллик эълон қилинган мўъжизавий кунни табиатнинг ажиб бир манзарасига ўхшатгим келади: Қоп-қора булут қоплаган осмону фалак узра қаердандир кучли бўрон бўлди-ю, бир лаҳзада ҳаммаёқ нурга тўлди»...*

**Ниёзжон НАВРЎЗОВА,**
**Тошкент давлат университети талабаси:**

*«Ватанни, унда яшаш қулай ва бозорларда арзончилик бўлгани учун танламайдилар. Ватан бизни танлайди, Ватан муҳаббатига етишиш осон эмас. Бунинг учун кучли қалб эгаси бўлмоқ керак. Кучли одамгина Ватанни сева олади, ожизлар эса ҳамиша севилиш истагида бўладилар».*

*Йил ўқитувчиси-95*

## МЎЪЖИЗА

Муаллим меҳнати ҳар қандай рағбатга, шарафга лойиқ. Шу қаторда унинг эл-юрт, жамият олдидаги вазифаси залворли, кенг қамровлидир. Ўқитувчи ўғил-қизларга таълим бериш билан бирга уларни одобли, икромли, хушхулқ фазилат эгалари қилиб тарбиялашга интилади, шу йўлда изланади. Муаллимлик бурчи, халқ ишончи, садоқат, масъулият ва фидойилик тушунчаларида ўзига хос мўъжизавий қудрат, ўзаро мустаҳкам боғлиқлик бор...

Айни кунда муаллимларимиз ўз зиммаларидаги масъулиятни қандай ҳис қилаётирлар. Уларнинг илғор иш услублари, тажрибалари нималарда акс этмоқда, қайси тадбирларда бўй кўрсатмоқда? Ушбу саволларга ўтган ҳафтада Киночилар уйида ўтказилган Тошкент шаҳар маорифчиларининг «Йил ўқитувчиси-95» кўрик-танловида жавоб топилгандай бўлди.

Кўрик-танловда Миробод туманидаги 94-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Татьяна Кандаурова, Бектемир туманидаги 292-мактабнинг математика фани муаллимаси Файзинисо Улуғбоева, Чилонзор туманидаги 173-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Ирода Муталхўжаева, Ҳамза туманидаги 216-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Озода Ғаниева, Яккасарой туманидаги 48-мактабнинг рус тили ва адабиёт фани муаллимаси Наталья Васюкова ҳамда Юнусобод туманидаги 83-илм масканининг рус синфларида ўзбек тили фани ўқитувчиси Мавжуда Толиповалар ўзаро беллашишди. Улар бу босқичга қадар илм масканларида ижод ва дарс ўтиш борасидаги маҳоратларини намойиш этиб, муаллимлик касбига содиқликларини яна бир бор намоён қилдилар. Бу фидойилар ижодий иш ва дарс ўтиш санъати бўйича Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур, Сирғали, Мирзо Улуғбек, Акмал Икромов тумани «Йил ўқитувчиси» ғолибларини бироз орқада қолдиришиб, шаҳар кўрик-танловига йўл олдилар.

Шаҳар босқичида ғолиблар «Шу азиз Ватан барчамизники!» саҳна дарси, педагогик ҳолат, ўз фани ташвиқи синовларига дуч келишди. Аслида танловда иштирок этаётганларнинг барчаси ғолиб саналса-да, энди улар кучлилар мусобақасида кимнинг дарси жозибали, ким кутилмаган вазиятдан зукколик билан тез чиқиб кета олади, муаллим ўғил-қизларни ўз дарсига қандай усуллар воситасида қизиқтира билади каби саволларга мукаммал жавоб беришлари лозим эди.

Биринчи топшириқ бўйича Татьяна Кандаурова, Ирода Муталхўжаева, Озода Ғаниевалар саҳна дарсларини саёҳат, намуна, иншо ёзиш услубида олиб боришиб, деярли тенг баҳога эга бўлишди. Наталья Васюкова ҳам бу мавзуда савол-жавоб услубини қўллаб, яхши дарс мувозанатини яратди, ўғил-қизларни машғулотга тўла жалб эта билди.

Ушбу шарт бўйича Мавжуда Толипова дарсларида қўллайдиган бутун маҳорат ва иқтидорини ишга солиб, аъло даражада машғулот ўтказди. У бунда мустақиллик, дўстлик, тинчлик, байроқ, герб, пахта, буғдой тушунчаларини Тил байрамига боғлаб, таълим ва санъатни уйғунлаштирди. Жозибали дарс ҳакамлар ҳайъатининг юқори баҳосига сазовор бўлди.

Иккинчи топшириқ уч балли тизим тартибида баҳоланди. Бунда ҳам Т. Кандаурова, Н. Васюкова, М. Толиповалар топқирлик ва зукколик хислатларини намойиш этдилар.

Учинчи топшириқ юзасидан танлов иштирокчилари ўз фани ташвиқи билан машғул бўлдилар. Бошланғич синф ўқитувчиси Т. Кандаурова фан ташвиқи (рекламаси)ни мулоқот усули билан бошлади. У йиғилганлар эътиборини спорт-экология-мактаб-соғлом авлод мавзусига жалб этди. Репортаж олиб бораётган икки нафар ўқувчиси саволларига атрофлича жавоб қайтарди. Жумладан, «Нега сиз спортчи ёки актёрликка лаёқатингиз бўла туриб, ўқитувчилик касбини танладингиз?» саволига муаллимликнинг шарафли, фахрли жиҳатларини санаб, бунда муаллим айни пайтда ҳам спортчи, ҳам актёр бўлаверишини исботлади.

Шунингдек, бу шарт бўйича Ф. Улуғбоева «Математика — фанлар ичида шоҳ» эканлигини, И. Муталхўжаева биология билан бошқа фанларнинг алоқадорлигини, О. Ғаниева она тили ва адабиёт фани орқали барча билан суҳбатга киришиш мумкинлигини, Н. Васюкова эса адабиёт дарси орқали барча тимсоллар кўз олдимизда намоён бўлишини ўқувчилари билан биргаликда кўрсата олдилар.

Албатта, ҳозир ўғил-қизларни дарсларда ҳайратта солиш жуда қийин. Бунинг учун изланиш, кашфиёт қилиш, мўъжиза яратиш лозим бўлади. Бу борада Мавжуда Толипова устозлар йўлидан бориб, ўзбек тили оҳангдорлигини, жозибасини русийзабон ўқувчилари шуурига сингдириб келаяпти. У машғулотларда гоҳ шеър, гоҳ қўшиқ, гоҳ куй билан улар қалбини ром этаётир. Аслида ўқитувчи ўқувчиларни ўзига, дарсларига шайдо қилиши мўъжиза яратиш билан баробар. Буни муаллима саҳнада барчанинг кўз ўнгида бошқа мактабдан келган ўзбек тилига бепарво, нотаниш ўқувчини ўзбек тили машғулотларига қандай жалб этганини намойиш дарсида намоён қилди. Шу тариқа, у топшириқ бўйича ҳам юқори балл олишга муяссар бўлди.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти кафедра мудири, педагогика фанлари доктори Дилором Шарипова бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, барча шартлардан муваффақиятли ўтган Мавжуда Толипова биринчи ўринга муносиб деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Татьяна Кандаурова, Наталья Васюковалар эгаллашди. Мусобақа иштирокчиларининг ҳаммаси Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси томонидан «Халқ таълими фидойиси» нишони билан тақдирланди. Ҳомий ташкилотлар вакиллари эса уларни қимматбаҳо совғалар билан мукофотладилар.

«Йил ўқитувчиси-95» шаҳар кўрик-танловини «Компьютер шоу» телетанлови бошловчиси, олий тоифали физика фани ўқитувчиси Андрей Киданов ҳамда 309-лицей ўқитувчиси Назокат Жўраева моҳирлик билан олиб боришган бўлса, Республикада хизмат кўрсатган артистлар Козим Қаюмов ва Раъно Шариповалар ўз қўшиқлари билан байрамга айланган тадбирга ўзгача руҳ, тароват бахш этишди.

Кўрик-танлов тугаганидан сўнг айрим ўқитувчиларни суҳбатга чорладик. Улар кейинги танловларга кўпроқ ҳомий ташкилотлар эътиборини қаратиш, бундай беллашувларга малака ошириш институтлари тингловчиларини таклиф этиш, шу йўл билан ғолиб ўқитувчилар иш тажрибасини кенг оммалаштириш, «Йил ўқитувчиси» кўриги ва шунга ўхшаш тадбирларни икки йилда бир маротаба ўтказиш каби таклиф ва мулоҳазаларни билдирдилар. Биз бу фикрларга шарҳ беришни лозим топмадик. Чунки барча нарсалар муаллим синовидан ўтгани боисидан ҳам улар амалиётчи саналадилар. Зеро, мўъжиза назария ва амалиёт уйғунлигида юз беради.

**Курбонбой МАТҚУРБОНОВ,**
**махсус мухбиримиз.**







СУРАТЛАРДА: беллашув лаҳзалари акс этган.

**А. МАМАДАМИНОВ олган суратлар.**

*Очиқ мулоқот*

## ОТАДАН УЛУҒ



Эс-эс хотирлайман: ҳозирги Зангиота тумани Қорасув қишлоғининг ёзда тизза бўйи тупроқ, қишда лой кўчаларидан хорғин-сулғин нуғай муаллим оҳори кетган, катта қора портфелини кўтариб тонг саҳарда мактабга, тушдан сўнг уйига ўтиб қоларди. Тенгдошларимга қўшилиб уни анча ергача кузатиб борардик. Ҳоли-жонига қуймай «Мулла ака, Мулла ака, бизни қачон ўқитасиз», — дея саволга тутардик. У эса ҳовлиси ва мактаб орасидаги ҳар куни бир неча чақирим пиёда йўл босишидан чарчоғини ҳам унутиб, мамнун кулиб қуяр: «Ҳаммаси вақти-соати билан», — дея файласуфона жавоб қиларди.

Тақдир тақозоси билан Мулла акадан сабоқ олишга тўғри келмади. Оиламиз бошқа қишлоққа кўчиб, ўзга мактаб остонасидан ҳатлашга тўғри келди. Шундан сўнг бир неча илм даргоҳлари — техникум, университет, Москвада Ижтимоий Фанлар Академиясида таҳсил олишга тўғри келганига қарамасдан негадир кўз ўнгимда муаллим ўша Мулла ака қиёфасида гавдаланаверади. Эҳтимол, унинг ўша урушдан кейинги оғир йилларда ҳам, албатта, галстук тақиб, шляпа кийиб юришида, қўлидан портфели тушмаслигидадир. Балким биз — ўйинқароқ болалар бу муаллим дарсларини ойнага тирмашиб кузатиб, ҳарфлар ва рақамлар оламидан сеҳрланиб қолганимиздадир.

Бош ҳарф билан ёзиладиган зиёлилик, ўша эртакдагидек ўз юрагини машъалага айлантириб, бошқалар йўлини нурафшон қилиш ҳақиқий ўқитувчига доимо хос бўлган. Президентимиз Ислом Каримов таърифи билан айтадиган бўлсак, «Муаллимлик касби муҳим давлат аҳамиятига молик». Негаки, Ватан фарзандларининг нечоғли фозил, билимли, тарбияли ва уқувли, ватанпарвар бўлиб вояга етишишлари муҳтарам маориф аҳлининг маҳорати ва масъулиятига боғлиқдир.

Ана шу олижаноб ва шарафли масъулиятларини чуқур ҳис этаётган навқирон мамлакатимизнинг тўрт юздан ортиқ алоҳида ўрнак кўрсатган халқ таълими ходимлари яқинда юксак мукофотларга — биринчи ва иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» орденлари, фахрий унвонларга муносиб кўрилдилар. Биргина Тошкент шаҳридан Адиба Пўлатова, Азиз Фазлитдинов, Муқаддам Ҳидоятова, Шарифа Баёнова, Лутфия Саидова каби ўнлаб моҳир устозларнинг номлари юртимизда тезда маълуму машҳур бўлди.

Игна билан қудуқ қазигандек машаққатли меҳнат қиладиган, қалб қўри ва кўз нурини ёшларни билимдон қилиш учун аямайдиган ўқитувчи ҳар қанча эъзозланса, сийланса, суюлса оз. Халқимиз «Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом» дейди. Ўн-ўн беш йил ўқитиб-тарбиялайдиган муаллимга-чи? Фикримизча, бир умр таъзим қилиб, ҳурматини жойига қўйса ҳам кам бўлса керак.

Мамлакатимизда улар учун ҳукумат томонидан имкони бор ҳамма нарса қилиняпти. Яқиндагина уларнинг маошлари яна оширилди. Ўқитувчиларга берилган кўпдан-кўп имтиёзлар бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги мураккаб даврида улар турмушидаги қийинчиликларни енгиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Шунга қарамасдан халқ таълими ходимлари меҳнати ва турмуш билан боғлиқ ҳамма муаммолар бартараф этилди дейишга эрта. Акс ҳолда қатор умумтаълим мактабларида бугунгидек ўқитувчилар етишмаслигидан нолиш бўлмасди. Умрининг анчагина қисмини таълим бериш ва тарбиялашга сарфлаб қўйган, амалда бошқа касб-ҳунари йўқ ўқитувчи ҳам ноилож ўзини бозор-ўчарми, тижоратгами урмасди.

Аслида жамиятда ўқитувчи нуфузини юқори даражага кўтариш кўп жиҳатдан сиз билан бизнинг қўлимизда ҳамдир. Мана Зангиота туманининг Зангиота жамоа хўжалиги раҳбари Исомиддин Муҳиддинов қишлоқ мактаблари ўқитувчилари маошларини хўжалик ҳисобидан икки баравар ошириб қўйибди. Узоқни кўзлайдиган раҳбаргина шундай йўл тутади. Чунки бугун халқ таълимига сарфланган бир сўм эртага ўн, ҳатто юз сўм фойда келтиради. Бу мўмай даромадни ҳозир қунт билан билим чўққиларини забт этаётган, эртага юқори малакали мутахассис бўладиган ёшлар ишлаб топадилар.

Бир қалдирғоч учиб келиш билан баҳор бошланавермаганидек, оқил, маърифатпарвар бир раиснинг ташаббуси қанот ёймаса, мактабларимиздаги муҳитни тубдан ўзгартириш мушкул. Демак халқ таълимини бутун эл-юрт ҳомийлигига олиш вақти келди. Афтидан мамлакатда «Маърифат» жамғармаси ташкил этиш зарурати пишиб етилди. Ишончим комилки, истиқболимизга бефарқ ҳар бир киши — раҳбар ёки ходим, ишбилармон ёки давлат хизматчиси, санъат намояндаси ёки олим мамлакатимиз халқ таълими муттасил тараққий этиб бориши, эртанги куни буюк давлатнинг ҳар бир фуқароси ўта ўқимишли, замонавий билимларни эгаллаган инсон бўлиши учун шахсан фидойилик кўрсатишга тайёр. Ана шундай умумдавлат, умуммиллат ғояси «Келажагимиз — мактабда», «Соғлом авлод учун» ҳаракатларига ҳам жон ато қилиши, уларни янги чўққиларга кўтариш учун таянч вазифасини ўташи ҳам шак-шубҳасиздир.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам ўқитувчилар олдида қарздорлар, деган фикрдаман. Республикада «Йил ўқитувчиси» танловлари деярли мунтазам ўтказиб турилади. Лекин, чинакамига истеъдодли, маҳоратли муаллимларимизни нафақат мамлакат, ҳатто вилоят, шаҳар, туман миқёсида ҳам яхши билишадими? Нега муаллимлар, уларнинг ибратли иш тажрибалари тўғрисида онда-сонда ёзиладиган бўлиб қолди? Нима учун айтайлик, Ўзбекистон телефидениеси йилнинг энг яхши ўқитувчиси очиқ дарсини ойнаи жаҳон орқали олиб кўрсатмайди? Ҳамма нарсада хорижликлар тажрибасига мурожаат этавериш, эҳтимол, жуда ўринли эмасдир. Бироқ Америка Қўшма Штатларида ўзларининг энг яхши ўқитувчиларини космосга парвоз қилдириб, ўша ердан уларнинг дарсларини сунъий йўлдошлар орқали олиб кўрсатганликлари бежиз бўлмаса керак.

«Шуни яхши англашимиз керакки, — деди юртбошимиз яқинда Тошкентда Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида, — энди пайпаслаб юриб олға силжиш мумкин эмас. Янги билимларни эгалламасдан туриб, бундан буёғига ҳаракатлана олмаймиз».

Бу оламшумул вазифа ўқитувчи зиммасига ғоят улкан масъулият юкламоқда. У, энг аввало, ўз фани ва соҳасини пухта эгаллаган, бу йўналишлардаги ҳамма ютуқлардан хабардор бўлиши шарт. Ва шу ақл қаймоғини ўқувчиларга саҳийлик билан улашиши, уларни илм-фаннинг тик ва машаққатли қояларига дадил етаклаб бориши зарур. Шу ҳолдагина шогирдлар ўз устозларини бош ҳарф билан МУАЛЛИМ, ЎҚИТУВЧИ дея атайдилар. Эл-юрт ҳам доно халқимизнинг «Устоз — отангдан улуғ» нақлига амал қилиб, улар хизматини янада юқори баҳолайди, жамиятдаги нуфузини янада оширади.

**Эркин ЭРНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

## ОБУНА-96

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

*Қадрли халқ таълими ходимлари: муаллимлар, профессор-ўқитувчилар, тарбиячилар ва талабалар!*

*Доимий ҳамроҳингиз, яқин дўстингиз ва маслаҳатчингиз, ўз қадрдон нашрингиз — «Маърифат» газетасига шу йил 1 октябрдан 1996 йил учун обуна бошланди. Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.*

Фуқаролар учун:

**1 йилга — 492 сўм**
**6 ойга — 246 сўм**
**Фуқаролар учун нашр индекси — 64595**

**Корхона ва ташкилотлар учун:**
**1 йилга — 648 сўм**
**Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64683**

Алоқа ва почта хизматлари яқинлиги ва гавжумлиги инобатга олиниб, Тошкент шаҳри учун алоҳида обуна нархи белгиланди.

Фуқаролар учун:
**1 йилга — 360 сўм**
**6 ойга — 180 сўм**
**Фуқаролар учун нашр индекси — 64595**

**Корхона ва ташкилотлар учун:**
**1 йилга — 648 сўм**
**Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64683**

**СЕВИМЛИ ГАЗЕТАНГИЗ «МАЪРИФАТ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Давлат ва жамият қурилиши академияси очилиши маросимида сўзлаган «Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили» нутқини ўрганиш бўйича методик

# ТАВСИЯЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилишида сўзлаган «Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили» нутқини ўрганиш бўйича ўқув режаси ва ДАСТУРИ

### Ўқув режаси

| Т/р, | Мавзунинг номи, | машғулот тартиб рақами, | ажратилган соат, | Синфлар бўйича машғулот ўтказиш шакли |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1. | Президент И. А. Каримовнинг Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилишида сўзлаган «Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили» нутқи. | 1 | 1 | Барча турдаги ўқувчилар гуруҳлари учун суҳбат |
| 2. | Ўзбекистонда давлатнинг вужудга келишининг тарихий обзори ва асосий даврлари. Ўзбекистоннинг мустақиллик шароитида босиб ўтган 4 йиллик йўли, давлат қурилиши, жамият ҳуқуқий асосларини яратиш, иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга оширишда орттирган тажрибалари | 2,3 | 2 | 1-7-синф ўқувчилари учун ўқитувчи суҳбати ёки ўқувчилар конференцияси; 8-11-синф ва ХТТ ўқувчилари учун обзор маърузалар ва семинар. |
| 3. | Жамият ва иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг мақсад ва вазифалари, муаммолар. | 4,5 | 2 | Барча тоифадаги ўқувчилар учун суҳбат. |
| 4. | Ислоҳотларни амалга ошириш йўлларини белгилашнинг ўзига хослиги — Ўзбекистонда янгиланишнинг муҳим хусусияти эканлиги. | 6 | 1 | 1-7-синф ўқувчилари учун суҳбат. 8-11-синф ўқувчилари учун баҳс ёки семинар. |
| 5. | Кадрлар тайёрлаш соҳаси, унинг муаммолари ва биринчи галдаги вазифалари. | 7 | 1 | Барча тоифадаги ўқувчилар учун суҳбат |
| 6. | «Мен ва менинг тенгдошларим бугун ва эртага» ёки «Менинг ўрним Ватаним тақдирида» (якунловчи машғулот). | 8 | 2 | 8-11-синфлар ва ХТТ ўқувчилари учун баҳс Давра стол атрофида суҳбат. |
| 7. | «Ватаннинг муносиб фарзанди бўлиш, Буюк мамлакатда яшаш ва меҳнат қилиш учун нима қилмоқ керак?». | 8 | 1 | 1-4-синф ўқувчилари учун суҳбат. |
| 8. | Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилишида сўзлаган нутқи асосида «Болаларни оилада ва мактабда тарбиялаш». | 8 | 1 | 1-4-синф ота-оналари учун. |
| 9. | «Биз мустақил ҳаётга, Ватанга хизмат қилишга қандай тайёрланмоқдамиз?» ёки «10 йилдан кейин мен қандай бўлишни истайман». | 8 | 2 | 5-7-синф ўқувчилари учун ўқитувчи суҳбати, юқори синф ўқувчилари билан учрашув. |

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мазкур методик тавсияларни тақдим этар экан, уни халқ таълими тизимларининг барча босқич ўқув муассасаларида пухта ўргатишнинг катта аҳамиятта эга эканлигини таъкидлайди.

Республика Президенти И. А. Каримовнинг Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилишида сўзлаган нутқида Ўзбекистон мустақиллигининг 4 йилида бажарилган ишларнинг натижалари, мамлакатимизнинг бундан кейинги тараққиёти истиқболлари аниқ ва қатъий белгилаб берилди. Унда кадрлар тайёрлаш ишида туб ислоҳотларни амалга ошириш масалалари ҳам кенг ва атрофлича ёритиб берилди. Шу муносабат билан бу муҳим ҳужжатда қудратли мамлакат келажагини аниқловчи ёшлар таълим-тарбияси сифатида ҳам ислоҳотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидланган.

Президент ўз нутқида ёш авлод ўзида халқ, Ватан ва жамият талаб қилганидек инсоний хислатларни мужассамлаштиришини, унинг сифатларини, самарадорлигини таъминлашни ёрқин ифодалаб берди. Шу туфайли ҳам бу нутқ халқ таълими муассасалари, педагогик жамоа, ўқитувчи, тарбиячи учун дастурий ҳужжатдир. Ўқувчи ва талабалар учун эса у ўз ҳаётий позициясини белгилаб олишда қўлланмадир.

Ушбу тавсиянома энг аввало ўқитувчи билимни бойитиш, Президент нутқидаги қоида ва хулосаларни ўқувчиларга пухта тушунтириш, шу асосда уларнинг республикамизда рўй бераётган туб ислоҳотлар жараёнига фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Машғулотларга тайёргарлик жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, синфларнинг ўзига хослигини, ўз туман ва ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий ва бошқа ривожланишининг аҳволини ҳисобга олмоғи лозим.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган тавсияларга ижодкорлик билан ёндашишгина қўйилган мақсадни рўёбга чиқаришни осонлаштиради.

Машғулотлар учун ўқув соатларини юқори синфларда «Умумий тарих», «Инсон ва жамият», «Давлат қурилиши ва ҳуқуқи асослари» каби предметлар ҳисобидан, бошланғич синфларда эса синфдан ташқари соатлардан олиш тавсия этилади.

#### ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИГА:

Вилоят, шаҳар, туман халқ таълими бошқарма ва бўлимлари, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтлари, метод кабинетлари тавсия этилган машғулотлар циклига пухта тайёргарлик кўришлари, шу билан боғлиқ бир қатор ташкилий масалаларни ҳал этишлари керак. Юқори самарага эришмоқ учун мазкур масалада мактаб ва ХТБЮ ўқитувчилари, шу мавзуда машғулотлар ўтказувчи, унга раҳбарлик қилувчилар учун алоҳида семинар ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, Президент нутқини ўрганишга киришиш олдидан ўқув муассасалари педагогларига назарий-услубий ёрдам учун ҳамда машғулот ўтказиш сифатини назорат қилиш мақсадида халқ таълими бўлимларининг назоратчилари ва методистларини юбориш лозим.

Республика Президентининг нутқида баён қилинган фикр ва мулоҳазаларнинг халқ таълими учун фавқулодда муҳим аҳамиятта эга эканлигини ҳисобга олиб, сиёсат, иқтисодиёт, жамиятимизнинг бугуни ва эртаси, ҳар бир ўқувчининг ўзгарувчан ижтимоий ҳаётимиздаги ўрин ва вазифасини тўлароқ англатиш, билим сифатини таъминлаш мақсадида ўқувчилар билимини текшириб кўриш керак. Бу назорат тест, суҳбат, назорат топшириқлари ва бошқа шакллардан иборат бўлиши мумкин.

Бу синовлар натижаларидан келиб чиқиб, Президент нутқида қайд этилган асосий қоида ва хулосаларни ўргатиш, тарғибот, ташвиқот этишни давом эттириш, шу асосда тарбиявий ишларни жонлантириш, унинг шакл ва мазмунларини кўпайтириш, иложи борича шу иш жараёнларига ўқувчиларнинг ўзларини кўпроқ жалб этиш лозим.

Энг асосийси, машғулотларни ўтказишда юксак самара ва таъсирчанликка эришиш зарур. Токи ҳар бир ўқувчи ўзининг ўқишга, ҳаётга, Ватанга, жамиятта муносабатини тубдан ўзгартирсин, ўз келажагини аниқ белгилаб олсин.

Болалар боғчаларида, мактабдан ва синфдан ташқари муассасаларда Президент нутқини ўрганиш педагог ва тарбиячилар жамоаси учун ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилишига бағишланган тантанали йиғилишида сўзлаган нутқини ўрганиш бўйича

### ЎҚУВ РЕЖАСИ ВА ДАСТУРИ

#### 1-машғулот (Кириш)

Мавзу: Президент И. А. Каримовнинг Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилишида сўзлаган «Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили» нутқи.

Мақсад: Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқи бўйича умумий обзор. Уни ўрганишнинг ижобий аҳамиятини тушунтириш ва ўқув режалари билан ўқувчини таништириш.

Машғулот шакли: Академиянинг очилиши юқори малакали кадрлар тайёрлашда унинг аҳамияти бўйича ўқитувчи суҳбати, даврий матбуотда ёритилган бу нутқнинг умумий мазмунини баён қилиб бериш.

Барча тоифадаги ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари Академиянинг қаерда, қачон, қандай шароитда ва мақсадда очилганлиги, бу замонавий билимлар маскани кимларни тарбиялаб етиштиришини билишлари керак.

8-11-синф, ХТБЮ барча гуруҳлари ўқувчилари эса юқоридагилардан ташқари Академиянинг Ўзбекистон Республикаси таълим тизимларида тутган ўрни.

Президент нутқида акс этган асосий масалалар ва ғоялар тўғрисида тасаввурга эга бўлишлари лозим.

Ўқувчилар Президент нутқини нима учун ўрганишлари кераклигини, унда қандай ҳаётий муҳим маълумот ва янги тушунчалар мужассамлигини, давлат, жамият ёш авлодга қандай янги тараққиёт, истиқболлар очиб бораётганлигини англамоқлари зарур.

Машғулот охирида ўқувчилар Президент нутқини ўрганиш режалари, амалга ошириладиган машғулотларнинг назарий ва амалий жиҳатлари, шу мавзуни ўрганиш пайтида фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати билан таништириладилар.

Умумий таълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларига ҳамда ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларига уйга вазифа тариқасида матбуотда ёритилган Президент нутқи матнини мустақил ўқиб чиқиш топширилади. Таянч мактаб ўқувчиларига эса матнни ўқиш ва ота-оналари билан муҳокама қилиш вазифаси юкланади. Бошланғич синф ўқувчиларига уйга вазифа бериш тавсия этилмайди.

#### 2- ва 3-машғулот

Мавзу: Ўзбекистон Республикасининг давлат сифатида шаклланишининг асосий босқичларига тарихий обзор. Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида 4-йилида босиб ўтган йўли:

— давлат қурилиши;
— жамият ҳуқуқий асосларини яратиш;
— туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида тўпланган тажрибалар.

Мақсад: Ўқувчилар онгида Ўзбекистон тараққиётининг тарихий босқичлари тўғрисида бир бутун тушунчаларни шакллантириш, ислоҳотлар ва қайта қуриш туфайли юзага келган муаммолар ва вазифаларнинг сабабларини англашга ўргатиш.

#### Машғулот шакли

5-7-синф ўқувчиларига ҳикоя, суҳбат, ўқувчилар конференцияси ўтказиш каби машғулотларнинг энг мақбул шакли тавсия этилади. Уни қуйи ва бошланғич синф ўқитувчилари, синф раҳбарлари кутубхоначи, ўқувчилар етакчилари билан биргаликда ўтказишлари мумкин.

8-11-синф ва ХТБЮ ўқувчилари учун эса 2-назарий, 3-амалий машғулотлар шаклида ўтказиш мумкин. 2-машғулот синф раҳбари билан ёки тарих ўқитувчисининг синфлар (гуруҳ) бўйича ёки синфлар босқичида (гуруҳлар) обзор лекцияси шаклида ўтказиш мумкин.

3-машғулот мазкур синфларда (гуруҳларда) семинар шаклида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар икки (2 ва 3) машғулот натижасида барча ёшдаги ва ХТБЮ ўқувчилари Ўзбекистон Республикасининг давлат сифатида шаклланишининг асосий даврлари, республика ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ўтган 4 йил ичида давлат қурилиши, жамият ҳуқуқий асосларини шакллантириш, туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ишларидаги босиб ўтган йирик одимларини билишлари керак.

Бундан ташқари 8-11-синф ҳамда ХТБЮ ўқувчилари давлат ва жамият ривожланишининг объектив тарихий қонуниятларини, Ўзбекистонда суверен давлатни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида умумий тасаввурларга эга бўлмоқлари даркор.

Мазкур синф (гуруҳ) ўқувчилари миллий иқтисод, маданият ва суверен давлатни ривожланишида бу қонуниятларнинг бузилиши қандай оқибатларга олиб келганлигини тушунишлари керак.

2-машғулот ўтказилгач, 8-11-синф ўқувчиларига қуйидагича уйга вазифа бериш мумкин:

Навбатдаги машғулотга (семинар) рефератлар, маърузалар, 2-машғулотнинг асосий масалалари юзасидан конспект, маърузалар тайёрлаш тавсия қилинади ва 3-машғулот бошланиши олдидан педагоглар томонидан уларнинг энг яхшилари танлаб олиниб, фойдаланилади. 3-машғулотдан сўнг эса, ўқувчиларга Президент нутқида учрайдиган айрим атама ва тушунчалар бўйича изоҳли луғат тайёрлашни ҳам тавсия этиш мумкин. Бу изоҳли луғатлардан 4-машғулот жараёнида фойдаланилади.

1-7-синф ўқувчиларига уй топшириғи бериш тавсия этилмайди.

#### 4-машғулот

Мавзу: Жамият ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш муаммолари, мақсад ва вазифалари; шу соҳадаги эришилган муваффақиятлар ҳақида.

Мақсад: Ўқиш даврида жамият ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш муаммолари ҳақида ўқувчилар умумий тасаввурини шакллантириш, уларни жамият ва давлат яқин йиллар ичида ҳал қилиши лозим бўлган асосий вазифалар билан таништириш.

Машғулот шакли: Ўқувчилар билан суҳбат.

Бу машғулот ўқувчиларга Президент нутқида баён қилинган қуйидаги масалаларни ўрганишга қаратилади:

— Инфляция ва миллий валютанинг қадр-қимматини ошириш;
— долзарб муаммолар ва яқин келажакдаги истиқболли вазифалар;
— давлат мулкини хусусийлаштириш ва хусусий мулк эгаларининг чинакам синфини шакллантириш;
— туғилаётган хусусий мулк эгалари синфи — жамият ва давлат таянчи.

Машғулот туфайли ўқувчилар: Президент нутқида учрайдиган инфляция, иқтисодий танглик, иқтисодиётнинг барқарорлашуви, инвистицион фаоллик, аҳолининг реал даромадлари, миллий валюта, конфертация, қатъий валюта, хусусийлаштириш, ҳиссадорлик, фонд биржаси, қимматли қоғозлар, хусусий мулк эгалари синфи каби сўзларнинг маъносини тушуниб олишлари лозим.

Машғулотларни ўтказишга тайёргарлик жараёнида ўқитувчи кўргазмали қурол сифатида юқоридаги атама ва сўзларни изоҳлаб бера оладиган изоҳли луғатта эга бўлмоғи керак.

Ўқувчилар Ўзбекистонда инфляциянинг пайдо бўлиши хусусиятлари, инфляцияни йўқ қилиш учун нималар қилиш зарурлигини билишлари лозим.

Ҳозиргача хусусийлаштиришнинг қайси босқичи амалга оширилди, яқин йилларда хусусийлаштиришнинг қандай шакллари амалга оширилади?

Кичик хусусийлаштиришни амалга оширишнинг қандай натижалари бугун сезилмоқда? Уни келажакда қандай йўллар билан амалга ошириш кутилмоқда? Нима учун хусусий мулк эгалари синфини давлат ва жамият таянчи деб атаймиз? Хусусий мулкдорликка қандай умидлар боғламоқдамиз? Миллий пулимизга ҳурматнинг ватанапарварлик билан алоқаси борми? — каби саволларга жавоб бера олишлари керак.

8-11-синф ўқувчиларига уй вазифаси сифатида изоҳли луғатдан Президент нутқида учраган атама ва тушунчаларнинг маъносини ёзиб келиш ва ўрганиб олишни топшириш мумкин. Бу 5-машғулотни самарали ўтказишга ёрдам беради.

1-7-синф ўқувчиларига шу машғулот бўйича уй вазифаси бериш тавсия этилмайди.

#### 5-машғулот

Мавзу: Жамият ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш муаммолари. Мақсад ва вазифалар. Бу соҳада эришилган баъзи ютуқлар.

Мақсад: Ўқувчиларга давлат сиёсати тизимлари, уни амалга ошириш; ўзгаришлар, ютуқлар ва уларнинг аҳамияти, тизимлардаги ўзгаришларни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад, бу ўзгаришларни амалга ошириш йўл-йўриқлари, шарт-шароитларини англатиш.

Машғулот шакли: Ўқувчилар билан суҳбат.

Мазкур машғулотда ўқувчилар томонидан Президент нутқида баён этилган қуйидаги масалалар ўрганилмоғи керак.

— Фаол тизимли сиёсат — стратегик режадаги вазифадир;
— Иқтисодиётга ички ва ташқи инвестицияларни кенг жалб этиш;
— Ҳар бир кишида янгича дунёқараш ва фикрлашни шакллантириш;
— Давлат қурилишида босиб ўтилган йўлга танқидий нуқтаи назар билан қараш.

Шу машғулот натижасига кўра ўқувчилар Президент нутқида учрайдиган қуйидаги атама ва тушунчаларни билиб олмоқлари даркор: тизимли сиёсат, маҳсулот ва технологик қарамлик, миллий ғурур, миллий қадрият, миллатчилик, шовинизм, тоталитар тизим ва ҳоказо.

Ўқувчилар қуйидаги саволларни тўла англамоқлари ва уларга жавоб бера оладиган бўлмоқлари лозим:

— Давлатимиз тизимли сиёсатининг мақсади нима?
— Уни рўёбга чиқармоқ учун нималар талаб этилади ва республикамизда қандай имкониятлар бор?
— Тизимлардаги ўзгаришлар туфайли республикамиз мустақиллиги йилларида нималарга эришилди?
— Тизимни қайта ташкил этишнинг биринчи галдаги вазифалари нималардан иборат? Уларни амалга оширишнинг асосий шарт-шароитлари қандай? Ҳозирги замон кишилари характерида, фикрлаши ва дунёқарашида қандай ўзгаришлар содир бўлмоғи керак ва ҳоказо.

8-11-синф ва ХТБЮ ўқувчиларига уй вазифалари тариқасида Президент И. А. Каримов нутқида, шунингдек унинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида учрайдиган атама ва тушунчаларни изоҳли луғатдан топиш ва ўрганиб олишни топшириш мумкин.

1-7-синф ўқувчиларига уй вазифалари бериш тавсия этилмайди.

#### 6-машғулот

Мавзу: Ислоҳотларни амалга ошириш тамойилларини белгилашда ўз йўлига эга бўлиш ва мустақиллик — Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ўзига хослигидир.

Мақсад: Юқори синф ўқувчиларининг хотирасида улар томонидан илгари (1992 йил) ўрганилган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобидан олинган таассуротларни қайта тиклаш. Шу икки асарни қиёслаш йўли билан республикада ислоҳотларни амалга ошириш бўйича танланган йўлнинг нақадар ҳаққоний эканлигини ўқувчилар кўз ўнгида гавдалантириш.

Машғулот шакли: 1-7-синф ўқувчиларига суҳбат шаклида, 8-11-синф ва ХТБЮ ўқувчиларига уларнинг маълумот даражаси, ёш хусусияти ҳамда имкониятига қараб баҳс ёки семинар тариқасида ўтказиш тавсия этилади.

Бу машғулот туфайли ўқувчилар қуйидаги масалаларни ўрганиб олмоқлари лозим:

— Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ўзига хосликлари;
— Ислоҳотларни амалга оширишда кўр-кўрона бировларга тақлид, эргашиш ва унинг оқибатлари;
— Бошқа мамлакатларнинг бу соҳадаги аччиқ тажрибаларидан келиб чиқадиган хулосалар.

Машғулот якунига кўра ўқувчилар Президент нутқида учрайдиган қуйидаги атама ва ибораларнинг луғавий маъносини англашлари ҳамда қуйидаги саволларга жавоб бера олишлари керак: Шоковая терапия, бозор тизимлари, инфраструктура, ислоҳ қилинаётган давлат ва ҳоказо.

Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга оширишнинг ўзига хослиги нималардан иборат? Унинг бошқа давлатларникидан фарқи нимада? Ислоҳотларни амалга оширишда бошқа давлатларга кўр-кўрона тақлид қилиш, бошқа давлатлар моделидан нусха олиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Ўтиш даврида қандай давлат бўлмоғи зарур ва нима учун? Ўзбекистонда жамият ва давлат қурилиш масалаларини ҳал қилмоқ учун қандай кадрлар зарур? Президент И. А. Каримов нутқида учраган «...юқори малакали, ахлоқий етук кадрлар керак» сўзининг маъносини қандай тушунасиз?

8-11-синф ўқувчиларига уйга вазифа тариқасида Президент И. А. Каримов нутқида учраган атамалар ва иборалар мазмунини аниқлаш бўйича олиб борилаётган ишларни давом эттириш топширилади.

#### 7-машғулот

Мавзу: Кадрлар тайёрлаш жараёни, унинг муаммолари ва биринчи галдаги вазифалари.

Мақсад: Ўқувчиларга жиддий, сифатли, тўлақонли билим олишнинг муҳимлигини, иймон-эътиқод, буларнинг барчасини улар ҳаётининг кейинги босқичларида қандай аҳамият касб этишини англатиш. Президент нутқида давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсатини тушунтириб бериш.

Машғулот шакли: Савол-жавоб тариқасида суҳбат. Бу машғулотда Президент нутқида акс эттирилган қуйидаги масалаларни ўргатиш тавсия этилади:

— Таълим соҳаси давлат қурилишининг муҳим қисмидир;
— Давлат ва жамият қурилиши академиясини ташкил этиш — объектив зарурат, жамиятнинг ривожланиб бориши даврида қонуният ва эҳтиёж эканлиги; Академиянинг вазифалари.

Мазкур машғулот давомида ўқувчилар қуйидагиларни тушунишлари ва жавоб бера олишлари лозим:

— Нима учун кадрлар тайёрлаш (шу жумладан халқ таълими тизимларида ҳам) фойда келтирадиган манба ва соҳага айланиб кетди?
— Чаласавод киши Ватанига ва халқига тўлақонли хизмат қила оладими? Келажакда у жамиятга арзигулик фойда келтира оладими? Ўз тақдирини белгилай оладими? Ўз шахсий эҳтиёжларини қондира оладими?
— Инсон фаолиятининг барча жабҳаларидаги рақобатда ким ютиб чиқа олади? Нима учун?
— Академияни ташкил қилмай туриб жамият ва давлат олдида турган катта вазифаларни тўлақонли ҳал қилиб бўладими ва агар бўлмаса нима учун?

Бу саволларга жавоб беришда ўқувчилар турли мамлакатлар, ўзларига таниш турли кишилар ҳаётидан келтирилган мисоллар асосида фикр юритишлари керак.

Уйга вазифа тариқасида 6-11-синф ўқувчиларига «Мен ва менинг тенгдошларим бугун ва эртага» ёки «менинг ўрним Ватаним тақдирида» мавзусида реферат ёзадилар ва якунловчи машғулотга тайёргарлик кўрадилар.

#### 8-машғулот

Мавзу: 8-11-синфлар ва ХТБЮ ўқувчилари «Мен ва менинг тенгдошларим бугун ва эртага», «Менинг ўрним Ватаним тақдирида».

Мақсад: ўқувчиларнинг олдинги машғулотларда олган билимларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаб, уларнинг ижодий изланишларини, республика ижтимоий, иқтисодий ҳаётидаги позициясини баҳолаш ва рағбатлантириш.

Машғулот шакли: Семинар, конференция, «давра стол» атрофида суҳбат, баҳс ва ҳоказо.

Мазкур машғулотнинг биринчи қисмида Президент маърузаси матнини ўқиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, тайёрланган рефератларни ҳимоя қилиш, уларнинг Президент нутқи бўйича атама ва иборалардан тузган луғатлари танловини ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Машғулотнинг иккинчи қисми барча машғулотларга якун ясашга бағишланади, у «давра стол» шаклида ўтказилади. Бу якуний машғулотларга маҳаллий ҳокимиятлар вакиллари, ташкилот, муассаса, корхона, хўжалик, ўқув муассасаларининг раҳбарлари таклиф этилади. Якунловчи машғулотларга тайёрланган маъруза, нутқ, рефератлар ҳимоясида ўқувчилар диққат эътибори қуйидаги муҳим масалаларга қаратилмоғи зарур:

— Ҳаётга биз қандай билим билан қадам қўямиз?
— Қандай маърифий ва ғоявий билимларга эга бўлдик?
— Қандай ғоялар биз учун манзур ва мақбул?
— Қандай ахлоқий фазилатларни биз қадрлаймиз?
— Қандай инсон бўлишни истайман?
— Ўз тенгдошларимдаги қандай ғоялар, тушунчалар, ҳаётий позициялар менга ёқади?
— Тенгдошларимдаги қайси хислатлар менга хуш келмайди?

— Ўз тенгдошларимни қандай кўришни хоҳлардим?
— Қандай жамиятда (давлатда) яшагим келади?

Шу ва шунга ўхшаш саволлар якунловчи машғулотлар ўзагини ташкил этиши мумкин.

Ўқувчилар томонидан тайёрланган энг яхши луғат, реферат, маърузалар матнини мактаб кутубхонасига доимий сақлаш учун топшириш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳақда ўқувчилар биринчи машғулотдаёқ огоҳлантириб қўйилмоқлари лозим.

Ўқувчилар томонидан Президент нутқи бўйича қилган ижодий ишларини энг сифатлиларини ҳомийлар ёрдамида моддий рағбатлантирилса, кўнгилдагилек бўлар эди. Бундай танловларни туман, шаҳар, вилоят миқёсида ҳам ўтказиш мумкин.

Якунловчи машғулотни бошланғич синфларда ўқитувчининг якунловчи суҳбати тариқасида ўтказиш мумкин. Бу ёшдаги болалар учун мавзу мазмунини «Ватаннинг муносиб фуқароси бўлиш, буюк мамлакатда яшаш, ишлаш учун нималар қилмоқ керак?» мавзусига ўзгартириш ҳам мумкин.

Машғулотнинг иккинчи қисми «ота-оналар йиғилиши» шаклида ўтказилиб, унинг мавзуси «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилишида сўзлаган нутқи асосида болаларни оилада ва мактабда тарбиялаш»дан иборат бўлиши мумкин.

5-7-синф ўқувчилари учун якунловчи машғулотларнинг биринчи қисми ўқитувчи суҳбати бўлиб, уни «Биз мустақил ҳаётга, халқ ва Ватанга хизмат қилмоққа қандай тайёрланмоқдамиз» ёки «10 йилдан сўнг мен қандай бўлишни истайман» мавзуларида ўтказиш мумкин. Кейинги мавзуга жавоб берган ўқувчилар

характерим
маълумотим
касб-корим

мен хусусий мулк эгаси бўлсам нима қилган бўлар эдим? — каби мушоҳадаларни қамраб олмоқ керак. Якунловчи машғулотнинг иккинчи қисмига юқори синф ўқувчиларини ҳам таклиф этиб, уларнинг энг яхши маъруза матнлари, рефератлари таништирилади.

### Машғулотларни ўтказиш учун тавсия этилган адабиётлар


| т/р | Адабиётнинг номи | Қайси машғулотда қўллаш мумкин |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқи. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1993 йил | 4, 5, 6 |
| 2. | И. А. Каримов. «Йўлимиз мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўлидир». Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1994 йил. | 2, 3, 4, 5, 6 |
| 3. | И. А. Каримов. «Ватан, эл манфаати муқаддасдир». Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1994 йил. | 4, 5, 7, 8 |
| 4. | И. А. Каримов. «Халқимизнинг оташқалб фарзанди». Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1994 йил. | 7, 8 |
| 5. | И. А. Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1992 йил. | 2, 3, 4, 5, 6 |
| 6. | И. А. Каримов. «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик», Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1993 йил. | 4, 5, 6 |
| 7. | И. А. Каримов. «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг». Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти», 1993 йил. | 2, 3, 5 |
| 8. | И. А. Каримов. «Деҳқончилик-тараққиёт, фаровонлик манбаи», Тошкент, «Ўзбекистон нашриёти, 1994 йил. | 8 |
| 9. | И. А. Каримов. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1993 йил. | 2, 3, 4, 5, 6 |
| 10. | И. А. Каримов. «Биздан озод, обод Ватан қолсин», Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1994 йил. | 7, 8 |
| 11. | И. А. Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1995 йил. | 2, 3, 4, 5, 6, 7 |
| 12. | И. А. Каримов. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1993 йил. | 1, 4, 5, 6 |
| 13. | И. А. Каримов. «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати», Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1994 йил. | |
| 14. | «Ўзбекистон Республикаси: Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши». Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1992 йил. | 4, 5, 6 |
| 15. | И. А. Каримов. «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1995 йил. | 2, 3, 4, 5 |
| 16. | «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси», Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1992 йил. | 2,3 |
| 17. | «Ўзбекистон халқлари тарихи», Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1992 йил. | 2,3 |
| 18. | Дарслик. «Ўзбекистон тарихи», Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1992 йил. | 2, 3 |
| 19. | И. А. Каримов. «Юксак малакали мутахассислар-тараққиёт омили», Тошкент, «Халқ сўзи», 4 октябрь, 1995 йил, 1, 2-бет. | 1. 2. 3. 4. 5. 6. 7. 8 |
| 20. | И. А. Каримов. «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1993 йил. | 7, 8 |
| 21. | И. А. Каримов. «Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакати», Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1993 йил. | 7, 8 |

# Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили

Ушбу дастур ва тавсиялар юртбошимиз Ислом Каримовнинг 3 октябрь куни Ўзбекистон Президенти ҳузурида давлат ва жамият қурилиш академиясининг очилиш тантанасига бағишланган анжуманда сўзлаган нутқини ўрганишга мўлжалланган.

Мазкур нутқ Халқ таълими вазирлигининг барча ўқув даргоҳларида ўзининг турига қараб факультатив ёки ижтимоий фанлар ҳисобидан 4 соат; жумладан 2 соат маъруза, лекция, суҳбат; 2 соат илмий конференция, давра суҳбати, савол-жавоб кечаси сифатида ўрганилиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили» мавзуидаги нутқини ўрганиш режаси**

| Т/р | МАВЗУ | Маъруза, суҳбат | Амалий машғулот |
|---|---|---|---|
| 1. | Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак малакали мутахассислар — тараққиет омили» мавзуидаги нутқи ва ундан келиб чиқадиган вазифалар | 2 | |
| 2. | Ушбу нутқни урганишга бағишланган илмий конференция, давра суҳбати, савол-жавоб давраси | | 2 |

I-мавзу. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили» мавзуидаги нутқи ва ундан келиб чиқадиган навбатдаги вазифалар

**РЕЖА:**

1. Кириш. Давлат ва жамият қурилиши академияси очилишининг аҳамияти

2. Мазкур анжуманда юртбошимиз Ислом Каримов томонидан сўзланган нутқ мазмуни ва навбатдаги вазифалар

Ўқитувчи мазкур мавзу бўйича лекция ёки суҳбат уюштирар экан, аввало, мамлакатимиз мустақилликка эришган даврдан буён юртимизда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маданий соҳаларда амалга оширилган ишларга қисқача тўхталиб ўтади.

Булар ҳақида республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» (Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 йил) асарининг биринчи бобида батафсил айтиб ўтилганини тушунтиради ва унинг мазмунига қисқача тўхталиши лозим. Оммавий ахборотлардан маълумки, бу асар мамлакатимизда кўплаб олий ва ўрта махсус билим юртларида, малака ошириш институтларида, умумтаълим мактабларида, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар, ҳаракатларда, мутахассис олимлар орасида зўр қизиқиш билан муҳокама этилди ва унга катта баҳо берилди.

Шундан сўнг юртимиздаги оламшумул янгиликлардан бири Тошкентда 3 октябрда Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиши маросими бўлгани ва бунда мамлакатимиздаги жамоатчилик вакиллари, академия профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчилари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакиллари иштирок этгани, йиғилишда юртбошимиз Ислом Каримовни нутқ сўзлагани айтилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг ушбу нутқида қандай масалаларга тўхталди?

Бу ҳақда, аввало, шуни айтиш лозимки, юртбошимиз мамлакатимизда ташкил этилган мазкур Давлат ва жамият қурилиши академиясининг мақсад ва вазифалари ҳақида, мамлакатимизни келажакда бошқара оладиган кадрларни тайёрлаш каби бир қатор муҳим масалалар, йўналишлар ҳақида фикр юритди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилишига бағишланган тантанали тадбирда сўзлаган нутқини Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги педагогика ва малака ошириш институтлари, билим юртларида ўрганиш учун**

## ТАВСИЯЛАР

Йиғилишда сўзланган ушбу нутқдаги қуйидаги жумлаларга алоҳида эътибор бермоқ лозим:

«Академия — бу оддий ўқув юрти, кадрлар, ҳаттоки раҳбар кадрлар тайёрлайдиган билим даргоҳигина эмас. У янги тафаккур шаклланадиган, ўзимиз тўплаган ва бошқа мамлакатларда тўпланган илғор тажриба ўрганиладиган, таҳлил қилинадиган ва таҳсил бериладиган марказ бўлиб қолиши керак.

Худди шулар янги ўқув дастурлари ва қўлланмаларини яратишда асос бўлиши лозим. Улар академиянинг шаклланиш жараёнида вужудга келади.

Мен юқорида таъкидлаганимдек, Академиянинг моҳияти унинг номида мужассамланган. Унда ҳаммаси акс этган: у бизнинг давлатчилигимиз, фуқаро жамияти қурилишида, сиёсий, иқтисодий тизимларнинг ислоҳ қилинишида, биз олдимизга қўйган мақсадларга эришишда тарихий, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак.

... Академиянинг вазифаси фақатгина муайян нафар кадр тайёрлаб беришдангина иборат эмас, балки у ўзининг илмий, педагогик салоҳияти асосида бутун маориф тизимини ислоҳ қилиш учун янги муҳит, янги шароит яратиб бериши лозим».

Академиянинг асосий вазифаларидан бири иқтидорли тингловчиларни танлаб олиш, уларни республикада миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида қурилган ҳуқуқий демократик давлатни ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг эътиқодли тарафдорлари қилиб тарбиялашдан ҳам иборатдир.

Тингловчиларга яна шулар баён этилиши лозимки, мазкур анжуманда сўзланган нутқда мамлакатимиз олдида турган бошқа муаммолар: инфляцияни бартараф этиш мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда биринчи даражали аҳамиятга молик масала эканлиги; шунингдек давлат мулкини хусусийлаштириш масаласи ҳам гапирилгани тушунтирилади.

Бу тўғрида юртбошимиз шундай деди:

«Давлат мулкини хусусийлаштириш ва мулкдорларнинг ҳақиқий синфини шакллантириш бўйича бошлаган ишимизни охиригача етказишимиз керак.

Хусусийлаштириш масалаларида биз сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўйдик. «Кичик хусусийлаштириш»ни, яъни маҳаллий саноат, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари корхоналарини давлат тасарруфидан чиқаришни амалга ошира бориб, биз муайян тажриба орттирдик, мутахассислар тайёрладик.

Булар бугунги кундаёқ сезиларли натижаларга олиб келди. Ҳозир миллий даромаднинг ярмидан кўпроғини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, савдонинг деярли бутун ҳажмини давлатга қарашли бўлмаган сектор бермоқда. Мазкур сектор узлуксиз ривожланмоқда.

Давлат корхоналарини кенг кўламда акциялаштириш орқали хусусийлаштириш жараёнини туғаллаш яқин келгусидаги муҳим вазифадир. Бу эса ўз навбатида фонд биржасини, қимматли қоғозлар биржаларини кенг ривожлантириш ва эркинлаштиришни, уларни на фақат Ўзбекистонда, балки ундан ташқарида ҳам очишни ва ҳар томонлама тарғиб қилишни тақозо этади.

Ишлаб чиқаришни акциялаштириш, очиқ турдаги акционерлик жамиятларини ташкил этиш аҳолининг барча қатламларини ушбу жараёнга фаол жалб қилиш учун кенг имкониятлар очади.

Мулкдорларнинг ҳақиқий синфини шакллантириш реал ҳақиқатга айланади.

Хусусийлаштириш жараёнини номигагина ўтказиш бизнинг иқтисодий сиёсатимизга зиддир. Бундан кўзланган асосий мақсад бутун мол-мулкни уларнинг ҳақиқий эгалари қўлига беришдир.

Мулкчилик муносабатлари масалаларидан яқин вақтлар ичида қатъий ўзгаришлар амалга оширилиши керак. Мулк ўзининг ҳақиқий эгаси қўлига ўтишига эришиш зарур. Фақат ана шундагина уни эгаси ушбу мулкни сақлаш ва кўпайтириш учун курашади.

Мулкни мулкдорга том маънода хизмат қилишига, унинг мулк эгасига бутун мамлакатга фойда келтириб, ҳар бир фуқаронинг фаровонлигига хизмат қилишига эришиш зарур».

Мазкур мавзуда юқорида келтирилган ишлар халқимизнинг фаровон яшаши учун амалга оширилаётгани ва бунинг учун ички бозорни товарлар билан тўлдириш, ишлаб чиқаришда хорижий сармоя ва энг янги технологиядан фойдаланиш, аҳолининг, биринчи навбатда ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини кўпайтиришга қаратилаётгани баён этилади.

Юртбошимизнинг нутқида миллий валютамизни мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор берилди. Чунки, миллий валюта, бу мустақиллигимиз рамзидир. (Бу ҳақдаги материални кенгроқ тушунтириш учун ўқитувчи юртбошимизнинг мазкур нутқида айтилган фикрлардан тўла фойдаланиши мумкин).

Шунингдек, ушбу мавзуда мамлакатимизда чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, чунки бу стратегик вазифа эканлиги; мамлакат тақдири учун муҳим вазифа— энергетика ва ғалла мустақиллигига эришиш; иқтисодиётимизни таркибий жиҳатдан тубдан ўзгартиришга киришаётганимиз; рақобатга бардошли, жаҳон бозорига мўлжаллаган тайёр маҳсулот, илм-фан ютуқлари асосида ишланган маҳсулотлар, харидорларга ёқадиган кенг истеъмол молларини ишлаб чиқариш устивор вазифалар эканлиги тушунтирилади.

Юқоридаги фикрларни баён этиш билан бирга ўқитувчи ҳозирги вақтда мамлакатимизда хорижий капитал иштирокида автомобиль, рангли металлар, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича йирик корхоналар, коммуникация ва алоқа тизимлари барпо этилаётганини тушунтиради.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу нутқида кишилар тафаккурини ўзгартириб, боқимандалик кайфиятидан қутулиш, кишиларнинг дунёқарашида, жамиятимизда Ватанга меҳр ғояси биринчи ўринда туриши баён этилди.

«Ҳар қандай иш асосига миллий орият, миллий ғурур, миллатчилик ёки шовинизмга алоқаси бўлмаган, мана шу мамлакат, мана шу халққа мансублиги учун куч-қувват бағишлайдиган ғурур қўйилиши лозим.

Бу муқаддас тушунчалар миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, мана шу юрт, мана шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир кишининг ҳаёти, онги, қони ва жисмига сингиб кетиши керак.

Ўтмишимиз ва келажагимиз бағишлайдиган мана шу ифтихор туйғуси билан янги авлодларни тарбия қилишимиз, ўз миллий давлатимизни қуришимиз лозим».

Ўқитувчи мустақилликка эришганимиздан буён ягона мафкура тазйиғидан қутулганимиз, демократик принциплар асосида иш олиб бориб, кўп партиявийликни йўлга қўйилаётганини, Ўзбекистонда олиб борилаётган ишлар, юртбошимиз томонидан олға сурилган 5 тамойил асосида амалга оширилаётганини баён этади. Маълумки беш тамойил деганда

1. Иқтисод сиёсатдан устивор бўлиши ва бунинг учун иқтисодиёт мафкурадан холи қилиниши;

2. Давлат асосий ислоҳотчи бўлиши;

3. Қонун ҳамма нарсадан устун бўлиши;

4. Кучли ижтимоий сиёсат ўтказилиши;

5. Бозор сиёсатига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилиши тушунилади.

Машғулотда Президентимиз Ислом Каримовнинг таълим масаласини сифатли қилиб амалга ошириш, таълим беришнинг маънавий, ахлоқий ва касб малакаси бўйича тарбиялашда мутлақо янги тизим ишлаб чиқариш зарурлиги, сифат жиҳатидан бутунлай янги ўқув дастурлари яратилиши даркорлиги, янги кадрлар тайрлашга алоҳида эътибор бериш зарурлиги ҳақида айтган фикрлари баён этилади. Ўқитувчи бу ўринга ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги турли йўналишларда мутахассислар тайёрлаётган олий ўқув юртлари бўйича мисоллар келтириши лозим.

Шу билан бирга мазкур нутқда юртбошимизнинг ўқитувчилар олдига қўйган қуйидаги талабларни эслатади:

«Бировни ўқитадиган, тарбия қиладиган инсон, аввало, ўзи ҳар жиҳатдан баркамол бўлмоғи шарт. Замон талаблари шуки, профессор ва ўқитувчилар ўзларида мавжуд билим ва савия билан чекланиб қолмасдан, хорижий мамлакатлар тажрибасини қунт ва сабот билан ўрганиб, мағзини чақиб, ундан кейин ўз талабаларига сабоқ беришлари зарур. Буни амалга оширишда хорижий тилларни пухта эгаллаш керак».

Мавзуни якунлашда тингловчилар диққатини юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси ҳаётимизнинг барча соҳаларида, айниқса бошқарувда, республика миқёсида, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда, тармоқ бўғинларини идора этишда янгича фикрлайдиган, қийин дамларда масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир, иймони пок, билимдон, ишбилармон одамларни топиш, уларга ишонч билдиришдан иборатдир» — деган гаплари моҳиятини тушунтирилишига қаратмоқ мақсадга мувофиқ.

II мавзу. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг юқорида баён этилган нутқида кўрсатилган, мамлакатимиз олдида турган долзарб муаммолар: давлат ва жамият қурилиши масалалари билан шуғулланадиган кадрлар тайёрлаш, илм-фаннинг равнақи, таълим-тарбиянинг самарадорлиги, ҳуқуқий ва демократик давлат қуриш ва бунинг учун илғор тажрибаларни ўрганиш ва ундан ижодий фойдаланиш ҳамда бошқа муҳим масалаларни кенгроқ, чуқурроқ ўрганишга бағишланади ва у педагогика институтлари, педагогика билим юртлари, ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида илмий конференциялар, давра суҳбатлари; ҳунар-техника билим юртлари, умумтаълим мактабларида, янги турдаги ўқув юртларида савол-жавоб давралари, суҳбатлар, ўтказиш орқали амалга оширилиши мумкин.

---

*Қадриятларимиз*

# МИЛЛИЙ ЛИБОС ЭСТЕТИКАСИ

***«Биз ички ва ташқи сиёсатимизда республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини, анъаналарини, халқимизнинг урф-одатларини ҳисобга оламиз. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас».***

**Ислом КАРИМОВ.**

Миллий қадриятлар муаммоси юртбошимиз ўз асарларида олға сураётган маънавият концепциясининг таркибий томонидир. Миллий либослар ва унинг тарихий хусусиятлари, жозибаси, нафосати ёш авлодни тарбиялаш жараёнида уларнинг ўрни масаласи миллий қадриятлар муаммосига бевосита дахлдордир. Айни чоғда миллий кийим эстетикаси масаласи ота-она ва болалар, ўқитувчилар ва ўқувчилар, муаллимлар ва талабалар эстетикаси билан ҳам узвий боғлиқдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг миллий қадриятлар, миллий турмуш тарзи, миллий урф-одат ва анъаналар миллий тил, миллий тафаккур билан боғлиқ бўлган ғоялари ва ақидалари унинг қатор нутқлари, маърузалари ва рисолаларида ўз инъикосини топгандир. Хусусан, юртбошимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Ижобий ишларимизнинг охирига етказайлик», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», ҳамда «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» сингари асарларида мустақилликни мустаҳкамлаш ва миллий маънавиятни такомиллаштириш жараёнида миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарнинг улкан ҳаётий аҳамиятга молик эканлиги атрофлича баён этиб берилган. Зеро, бунда гап кўп миллатли давлат қарор топган бизнинг жамиятимизда янги тузум бунёд этиш устида бормоқда. Чунки бизнинг мустақил мамлакатимизда миллийлик ва умуминсонийликнинг ўзаро уйғунлиги муаммоси жамиятимиздаги юздан ортиқ миллатлар ва элатларга уларнинг ўзига хос қадриятлари, урф-одатлари ва миллий либосларига баббаробар алоқадор бўлган, ниҳоятда кўламдор масаладир.

Миллий либос эстетикаси миллий нафосатноманинг муҳим бир муаммоси бўлиб, кийим-кечак ва кийиниш расм-русумларида мужассамлашган нафосат ва гўзалликни таҳлил ва тадқиқ этади. Миллий либос муаммолари билан нафосатнома, яъни эстетика, ахлоқнома, яъни этика, ижтимоиёт, яъни социология ва этнография (элшунослик) фанлари шуғулланади.

Ўзбек халқи тарихий тараққиётнинг турли босқичларида миллий кийимнинг турли хил кўринишларини яратди, уларни тобора такомиллаштирди. Тарихан таркиб топган ўзбек миллий кийими ўз миллий хусусиятларига, ўз нафосатига ва гўзаллигига, ўз табиий фазилатларига эга. Ўзбек миллий кийимлари айни чоғда ахлоқий нуқтаи назардан ҳам тақозолангандир.

Тараққий этган бошқа миллатлар сингари ўзбекларнинг кийиниш маданияти аввало она-табиат билан инсоннинг ўзаро бирлиги ва ижтимоий-миллий ҳодисаларнинг бири сифатида таркиб топди. Айни пайтда миллий кийим инсонни бошқа жонли табиат ҳодисаларидан фарқловчи омил сифатида ҳам вужудга келган. Масалан, томошахонада кийим кийдириб қўйилган мушук ёки маймунни кўрсак, беихтиёр кула бошлаймиз. Чунки кийим кийиш инсонгагина хос бўлган ижтимоий-маънавий хусусият. Кийимсиз ёки ярим яланғоч одамни жамоат жойида кўриб қолсак ҳам, ё куламиз ёки жирканамиз. Бундай номатлуб, ғайри-ахлоқий ҳолларда инсоннинг бошқа жонли табиатдан фарқ қилиб, ростмана тўкис кийимда юриши зарурлиги тўғрисидаги ижтимоий талабдан чекиниш ҳолатининг гувоҳи бўламиз.

Ўзбек миллий кийимлари она табиат тақозоси билан вужудга келган бўлиб, миллатимиз ақл-заковатининг тарихий маҳсулидир. Чунончи, ўзбекча дўппи, қалпоқ ёки рўмол инсон вужудининг энг азиз қисми бўлмиш бошни, мияни табиатнинг зарарли таъсиридан сақлашга хизмат қилади, кўйлак ва чопон иссиқ ёки совуқдан баданимизни асрайди; этик, маҳси ва ковуш эса оёғимизнинг табиат таъсирига жавобан совут ва қалқон вазифасини бажаради.

Миллий кийимларимизни бир қатор турларга ажратиш, яъни таснифлаш мумкин. Масалан, либоснинг қайси жинслар учун тикилишига қараб: эркаклар кийими ва аёллар кийими; ўғил болалар кийими ва қиз болалар кийими; ёшига қараб: катталар кийими ва болалар кийими; инсон ҳаётидаги, маросимлардаги заруратига қараб: байрам кийимлари, тўй кийими (сарупо) ва дафн маросимида кийиладиган кийимлар; меҳнат фаолиятида ишлатилишига қараб: деҳқон ёки овчи кийимлари, шифокор ва сартарошлар кийими (жомакор) ўт ўчирувчиларнинг кийимлари, спорт кийимлари, масалан, ўзбек полвонлари киядиган кийимлар), истироҳат кийимлари; махсус ижтимоий вазифа ва ижтимоий табиий ҳолатга кўра: ҳарбий кийим, миршаблар кийими, ҳомиладор аёллар кийими, прокурор кийими ва бошқалар. Диний эътиқодига қараб: мусулмонлар кийими, христианлар кийими, бутпарастлар кийими ва ҳоказо.

Либос нафосати ва кийиниш маданияти миллат ҳаётида муҳим бир заруратки, жамиятда бу зарурат билан боғлиқ бўлган касбукор, масалан чеварлик (тикувчилик) ҳунари пайдо бўлди. Халқ ҳунармандчилигида бўлганидек, чеварлик ҳунарида ҳам ўзига хос эстетик мазмун, нафис фазилатлар бунёд этилди. Ўзининг энг юксак ва жозибадор кўринишларида ўзбек кийимлари миллий-эстетик ижодкорлик, миллий нафосат, миллий-эстетик дид ва нафосатдор идеал фазилатларнинг бетакрор ва уйғунлигидан иборатдир. Беқасам тўн, атлас кўйлак, чуст дўппи, чўгирма, тилла қош ва зар чопонлар, амиркон махсию этиклар, дуррачаю ридолар, турли-туман безак буюмлари ўзбек халқи эстетик ижодкорлигининг ажойиб самараларидир.

Миллий кийимларимиз ўзининг она табиатга мувофиқлиги, меҳнат шароитларига мослиги ва қулайлиги, кўриниши жиҳатдан бежиримлиги ва гўзаллиги, бадиий нафосати нуқтаи назаридан ўзига хос бетакрорлиги билан ажралиб туради. Масалан, беқасам тўнни олайлик: куёв йигитга бирор япон макентоши ёки американинг гўзал плашидан кўра, шу тўн минг бор муносиблигини қайси ўзбек билмайди? Оқ чопон ёки қора сатиндан тикилган тўн миробга ҳам, ғаллакорга ҳам, пахтакорга ҳам, боғбонга ҳам қулай.

Бинобарин, ўзбек кийимлари, тўнлари шу миллатнинг ўз касбукорига мослаштирилганлиги билан характерлидир. Ёки белбоғни олайлик. Белбоғ тасмадан афзал ва қулай. У белга тасмадек ботмайди. Белбоғ яна бирор харид қилинган маҳсулотни унга солиб тугиб, уйга кўтариб кетиш ёки халта вазифасини ҳам бажаради. Белбоғ арқон ёки ип вазифасини ҳам ўташи мумкин. Номозхон учун белбоғ таҳоратдан кейин артиниш учун сочиқ,лозим бўлганда жойнамоз ҳам. Чавандоз ва улоқчилар белбоғдан бошга танғийдиган рўмол ўрнида ҳам фойдаланишади.

Энди ўзбек аёлларининг миллий кийимлари хусусида ҳам айрим фикрларни баён этиш мақсадга мувофиқ бўлур. Уларнинг кийимлари боҳаёлик ва бокира гўзалликнинг фусункор дунёсидир. Бу гўзаллик уларнинг ранго-ранг кийим-кечаклари ва ҳар хил тақинчоқ ҳамда буюмларида акс этган. Келинларнинг гўзал рўмоллари, ридо ва дуррачалар, зардўппи ва пешанабандлар, касава ва шоҳбошлар, ҳарир ва дока рўмоллар, атлас кўйлак ва шоҳи лозимлар, бежирим камзул ва калтачалар, сочпопук ва камарбандлар, амиркон маҳси ва енгил ковушлар, тилла қош ва тилла баргаклар, сирға ва қашқар балдоқлар, билагузук ва зебигардонлар ўзбек аёли, ўзбек келинлари, қизлар, оналаримиз ва бувиларимизнинг ҳуснларига ҳусн, одобу ҳаёсига ҳаё ва ибо қўшади.

Менинг назаримда, ўзбек миллий кийимлари, хусусан, ўзбек аёлининг кийими шу қадар бой ва ранг-барангки, Париждаги машҳур француз кийим санъати ва кийиниш удуми ёки кийиниш урфи (модаси) музейи бу соҳада баҳслаша олмайди! Шундай экан, мустақил жумҳуриятимизда Ўзбекистон тарихи музейи ҳамда халқ амалий санъати музейидаги намуналарни жамлаб, махсус ўзбек миллий кийимлари музейи ташкил этиш ҳозирги миллий тараққиётнинг муҳим эҳтиёжларидан биридир. Токи жаҳоннинг турли мамлакатлари ва ташкилотларидан келаётган арбоблар, меҳмонлар, олимлар, саёҳатчилар, қаламкашлар ўзбек миллатининг юксак эстетик маданиятига мансуб бўлган бой миллий кийимлар тизимларига тан берсинлар.

Собиқ Шўролар ҳокимияти даврида миллий кийимларимиз қадрини пасайтиришга уринишлар кўп бўлди. Оврупо миллатларининг кийимлари ва кийиниш маданияти расмий тартибда доимо мақталиб ва турмушга жорий этилиб келинди. Турғунлик даврида, бир томондан, Кремль саройидаги съездлар мажлисларида дўппи кийиб ўлтирган ўзбек халқи ноибларини кўриш мумкин эди. Иккинчи томонда эса, Ўзбекистонда расмий мажлисларда ва тантаналарда дўппи ўрнида шляпа, шапка ёки бош яланг юриш оммавий тус олган эди.

Аҳвол шу даражага бориб етдики, ўз миллатининг баъзи чаласавод вакиллари ўзбек аёллари лозимининг қадрини ерга уриб, оврупоча кийинишни хусусан, калта лозим кийишни «юксак маданиятлилик» намунаси сифатида телевидениеда талқин этишди.

Тўғри, демократия ва ҳуқуқий эркинликка қараб, ҳар ким ўзи танлаган кийимини кияди. Зеро, ҳар бир миллат либосининг ўз нафосати бор. Аммо демократиямиз ва ҳуқуқий асосимиз умуман калта кийимлар, жумладан калта лозим шарқона ва ўзбекона ахлоқ-одобга, аёлларининг ҳаё ва ибосига мутлақо мос келмаслигини ҳам эътироф этади.

Жаҳонда донг таратган «Баҳор» рақс жамоасининг ҳамма мамлакатларда зўр қизиқиш билан кутиб олинишида ўзбекона миллий либоснинг, жумладан, миллий аёл лозимининг ғоятда муҳим таъсири бор. Рақсимиз маликаси Мукаррама Турғунбоева айтганидек, миллий кийимсиз миллий рақсни тасаввур этиб бўлмайди. «Баҳор» қизлари санъатига чалинган гулдурос қарсаклар бу айни чоғда ўзбек миллий кийими нафосатини ардоқлашдир, албатта.

Ўзбекистон мустақил бўлгач, мактаб ҳам, маданият ҳам миллий бўлиши керак. Бироқ 74 йил давомида мактаб формаси оврупоча бўлди. Бу қизил империянинг талаби эди. Эндиликда мактаб таълим-тарбияси, либосининг ҳам миллий шаклга кўчирилаётгани айни муддаодир.

Энг муҳими, Ўзбекистон халқ таълими шохобчаларида миллий кийим демократияси тўлиқ тикланиши зарур. Бу миллий тикланиш миллий мактабда миллий маънавиятни шакллантиришнинг ҳаётий тақозосидир. Миллий кийим демократиясини мактабда тиклашнинг назарий дастурий асослари ҳали айтиб ўтганимиздек, Президентимиз Ислом Каримовнинг номлари юқорида зикр этилган нутқлари, маърузалари, мақолалари ва рисолаларида ўз ифодасини топган. Республикамиз Конституцияси халқ таълими ва олий таълим соҳаларида ўзбекона миллий кийим демократияси тикланишининг сиёсий ва ҳуқуқий асосидир.

Умуман олганда, ҳар қандай миллий кийим нафосати, жумладан ўзбекча миллий либослар нафосати халқ тарихи, халқ нафосати ҳамда халқона ахлоқ тараққиётининг кўзгусидир.

**Маҳмуджон НУРМАТОВ,**
**фалсафа фанлари доктори, профессор.**

---



*Республика қўғирчоқ театрлари фестивали*

## АНЪАНАВИЙ БАЙРАМ

22 октябрда Тошкентда қўғирчоқ театрларининг бешинчи республика фестивали бошланди. Бу фестивалда республикамиз қўғирчоқ театрлари қатори Қозоғистон, Қирғизистон ва Россиядан келган қўғирчоқ театрлари ҳам иштирок этишади.

Фестивалнинг дастлабки куни республика қўғирчоқ театри ўзининг «Аловуддиннинг сеҳрли чироғи» спектаклини намойиш қилди. Мазкур театр фестивалда ўзининг учта спектакли билан қатнашади. Улардан бири рус тилида ижро этилади.

Ёш томошабинлар фестиваль кунлари «Али кичкина», «Обиҳаёт», «Энг кичкинагина», «Тоҳир ва Зуҳра» сингари Андижон, Бухоро, Хоразм, Жиззах вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси қўғирчоқ театрлари спектаклларини томоша қилишади.

Суратда: «Аловуддиннинг сеҳрли чироғи» спектаклидан лавҳа.

**Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

---



*Қутлов*

## ҲАЙРАТ ЯРАТАЁТГАН ОДАМ

Адоқлаб бораётган XX асримизни бугун ҳар ким ҳар хил таърифлаяпти. Биров уни атом асри, деб атаса, биров космос даври, дея укдирмоқда, тағин кимдир тиббиёт асри, деса, кимдир электроника даври эканлигини таъкидламоқда. Тўғри, бу жарангдор таърифу тавсифларнинг ҳеч бирини рад этиб бўлмайди. Зеро, XX аср илму фаннинг барча йўналишларида мислсиз тараққиёт яратди. Мен уни шу боис, ҳайрат асри, дея атагим келади. Лекин, ҳайрат шунчаки осмондан ёғилаётгани йўқ. Уни заҳматкаш инсон ўз ақлу заковати билан яратмоқда. Бу улуғвор бунёдкорликни биз гоҳ англаб, гоҳ англамай қолаяпмиз.

Биология фанлари доктори, профессор Муҳсин Набихонович Валихонов ана шундай ҳайрат оламини яратаётган инсонлардан. Домла ўсимликлар билан тиллаша олади! Ҳа, бу зукко олим яшил мавжудот «кўнглига қўл солиб», унинг дардини, талаб-истагини англай билади! Муҳсин ака, айниқса, ўзбекнинг етти яшаридан етмиш яшаригача маълум бўлган ғўза ўсимлигига меҳр қўйган. Мана, қарийб 35 йилдирки, у ғўза биокимёси ва физиологиясини ўрганиб ва ўз навбатида бошқаларга, хусусан, шогирдларига, талабаларга ўргатиб келмоқда. Муҳсин Набихонович худди шу мавзуда юздан ортиқ илмий асарлар, мақолалар, услубий кўрсатмалар яратган. У киши нафақат республика, балки, халқаро миқёсда ўтказиладиган, ўсимликлар физиологияси ва биокимёга бағишланган турли анжуманларнинг, кенгашу мажлисларнинг фахрий иштирокчисидир. Чунки Муҳсин ака ўз соҳасининг етук билимдони сифатида касбдошлари орасида аллақачон шуҳрат қозонган. Унинг ҳозир жуда кўплаб шогирдлари турли-туман илмий муассасаларда хизмат этиб, фаннинг очилмаган қатламларига дадиллик билан қўл урмоқдалар. Бундай ғайрат-шижоат, ўктамлик уларга, албатта, ҳурматли устоздан юққан.

Умр — оқар сув, дейдилар. Мана, профессор Муҳсин Набихонович Валихонов ҳам муборак 60 ёшнинг довонига етибдилар. Бу — домланинг илмий фаолияти барқ уриб турган фаслдир. Мустақил юрт, деҳқон эл заҳматкаш олимдан ҳали янада катта-катта кашфиётлар кутиб турибди. Насиб бўлса, фанимиз уфқларини кенгайтирадиган бундай кашфиётлар ҳақида Муҳсин аканинг 70 йиллик тўйларида ёзиш ниятимиз бор.

**Лукмон БЎРИХОН,**
**«Маърифат» мухбири.**







# Янгилик шайдолари







«Ўзиккиламчиранглиметалл» очиқ турдаги акционерлик жамиятига қарашли Тошкент шаҳар 4-Сирғали мавзеидаги 318-боғча 1984 йилда ташкил қилинган эди. Яқинда боғчага янгича мақом берилди: бошланғич мактаб-боғча комплекси.

Ана шу воқеа боис давралардан бирида бўлган суҳбат ёдимга тушди.

— Эҳ, бугунги болалар, — дея ёзғирди кўринишидан ўзига тўқ биринчи суҳбатдош, — на катганинг айтганини қилишади, на кичикнинг. Бизлар бошқача эдик.

— Бу гапнинг обдови тўғри, — дея гапга қўшилди иккинчи суҳбатдош. — Аслида бизлар эмас, оталаримиз бошқача эдилар. тартиб-интизомни ўшалардан ўрганган эдик. Бугунги болалар бошқачароқ бўлишса, айб уларда эмас ўзимизда!

Дарвоқе, иккинчи суҳбатдош ҳақ. Шу мантиқдан келиб чиқсак, болаларимизнинг эртанги тақдири, бугун биз оталар қўлида. Буни тушунишнинг ҳеч бир мураккаб жойи йўқ, дея ўйлайсан, киши. Лекин ҳаётга чуқуррок назар солсангиз, ўз пушти камаридан бино фарзандининг тарбиясига лоқайд қараётганлар ҳам кам эмас. Шундай экан, нафақат бутун бир жамоа, балки кўплаб маҳалла аҳлининг фарзандларига ғамхўрлик ўз номи билан элсеварлик, чинакам маънода ватанпарварлик ҳамдир.

Бу таъриф «Ўзиккиламчиранглиметалл» очиқ турдаги акционерлик жамияти раиси Раҳматулла Муҳаммадхўжаевга тўла таалуқли. Бир сўз билан айтганда, раис янгиликлар ишқибози. Болаларни боғча ёшидан чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитсак, яъни боғча-мактаб ташкил этсак, деган фикр кўпдан хаёлини банд қилиб юрар эди. Шу ҳақда Сирғали туман халқ таълими бўлими мудири Тўлқин Султонов билан сўз оғишганида, у бу фикрни мамнунлик билан қабул қилди. Шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва малака ошириш институти ходимлари Тошкентда илк куртак очган ана шундай тажрибалар асосида махсус дастур ва ўқув режаси тузиб беришди. Сирғали туман ҳокими Митҳад Йўлдошев эса бошланғич мактаб-боғча комплекси очиш тўғрисидаги фармойишга имзо чекди.

Шундай қилиб, ўзаро ҳамкорликлар самараси ўларок янги маскан иқтидорли болаларга қучоқ очди.

Ўтган шанба куни комплекснинг очилиш маросими бўлди. Маросимда ҳокимият, жамоатчилик ташкилоти вакиллари, маҳалла фаоллари, педагог ва тарбиячилар, оталар иштирок этишди.

Маросимда «Ўзиккиламчиранглиметалл» очиқ турдаги акционерлик жамияти раиси Раҳматулла Муҳаммадхўжаев, Сирғали туман халқ таълими бўлими мудири Тўлқин Султонов, туман ҳокими муовини Феруза Орипова, Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаш жамғармаси бош директори Исфандиёр Латипов, «Маърифат» газетаси бош муҳаррири Саъдулла Ҳаким, бошланғич мактаб-боғча директори Ҳамид Хўжахонов сўзга чиқишиб, мамлакатимизда иқтидорли болаларга бўлаётган эътибор хусусида сўз юритишиб, педагоглар ва тарбиячилар жамоасини янги маскан билан муборакбод этишди, жажжи болакайларга ўқишларида омад тилашди.

— 176 нафар боладан 80 нафарини махсус тест синовлари асосида танлаб олдик, — деди биз билан суҳбатда Ҳамид Хўжахонов. — Педагог ва тарбиячиларимиз ҳам танлов асосида ишга қабул қилинди. Болаларимизга 6 ёшдан 10 ёшгача математика, инглиз тили фанлари ва ЭҲМ асослари бўйича чуқурлаштирилган дастур асосида бошланғич таълим берилади. Тез кунларда компьютер синфхонаси очилади. Дарслардан сўнг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратиб берилади.

Акционерлик жамияти ишчи-хизматчилари, шунингдек таълим ходимларининг болалари бепул таълим-тарбия олишади.

Ўқитувчи ва тарбиячиларимиз ҳам маълум имтиёзлардан фойдаланишади. Уларга давлат бюджетидан белгиланган иш ҳақидан ташқари, акционерлик жамияти яна шунча миқдорда маош тўлайди. Шубҳасиз, талаб ва масъулият ҳам шунга яраша бўлади. Мақсадимиз — истеъдодли болаларни улғайтириш!

**С. РАҲМАТОВ.**

СУРАТЛАРДА: бошланғич мактаб-боғча комплекси очилишидан лавҳалар.

**А. МАМАДАМИНОВ олган суратлар.**

*Янги дарсликлар*

# «ОДАМ ВА УНИНГ САЛОМАТЛИГИ» ТАЛҚИНЛАРИ

Таълим жараёнидаги энг муҳим омиллардан бири дарсликдир. Шу боис дарсликнинг илмий мазмуни, баён этилиш услуби, унда ҳар бир минтақа ва халқнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, собиқ Иттифоқ даврида мактаблар учун дарслик яратишнинг энг қулай ва арзон усули ўйлаб топилиб, деярли барча фанлар бўйича дарсликлар Москвада ягона «Просвешение» нашриётида рус тилида чоп этиларди. Сўнгра ҳамма республикалар ўз тилларига таржима қилардилар-да, қўллайверардилар. Энг ачинарлиси, бу дарсликларда мазкур фаннинг ривожланишига ҳисса қўшган маҳаллий олимларнинг ишлари эътибордан мутлақо четда қоларди. Бунинг натижасида ёш авлод ўз халқига, минтақасига мансуб бўлган фан арбоблари, мутафаккирларнинг илмий меросларидан баҳраманд бўлолмасди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши туфайли маҳаллий олимларимиз томонидан барча фанлардан мактаб дарсликлари яратилишига имкон туғилди. Мактаблар учун дарсликлар яратишдек муҳим ва масъулиятли ишда қашқадарёлик олимлар ҳам фаол қатнашмоқдалар. Мазкур ўқув йилида мамлакатимиз барча мактабларининг 9-синф ўқувчилари фойдаланаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, тиббиёт фанлари доктори, профессор Баҳодир Аминов ва биология фанлари номзоди, доцент Тураб Тилововлар томонидан яратилган, 1995 йилда «Ўқитувчи» нашриётида беш юз минг нусхада чоп этилган «Одам ва унинг саломатлиги» дарслик китоби фикримизнинг далилидир.

Маълумки, «Одам ва унинг саломатлиги» фани (илгариги номи «Одам анатомияси, физиологияси ва гигиенаси») умумтаълим мактабларининг 9-синфларида бир йил давомида 68 соат ҳажмида ўқитилади. Бу фаннинг дарслиги А. М. Цузмер, О. Л. Петришина томонидан ёзилган эди. У Москвада «Просвешение» нашриётида рус тилида чоп этилиб, ҳамма республикаларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам миллий тилга таржима қилиниб, кўп йиллар мобайнида қўлланиб келинарди. Бу дарсликда Ўзбекистоннинг иқлим шароитида одам организмида моддалар алмашинуви, юрак-қон томир, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, айириш органлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, халқимизнинг турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган гигиеник қоидалар эътиборга олинмаганди. Шунингдек, тиббий фанларнинг ривожланишига ҳисса қўшган ўзбек олимлари ва мутафаккирларининг ишлари ёритилмаганди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув дастурида талаб қилинган талайгина илмий маълумотлар мазкур таржима дарсликда умуман ёритилмаганди. Шунингдек, моддалар алмашинуви, айириш, асаб, эндокрин ва таянч-ҳаракат системалари, сезги органлари, олий нерв фаолияти мавзуларида талайгина камчиликлар ва чалкашликларга ҳам йўл қўйилганди.

Б. Аминов, Т. Тилововларнинг «Одам ва унинг саломатлиги» дарслик китобида эса юқорида қайд этилган камчиликлар бартараф этилгандир.

Янги дарсликнинг кириш қисмидаёқ саломатлик, одам организмининг биологик, руҳий, жисмоний ҳолатлари меҳнат фаолиятининг мувозанатлашган бирлиги эканлиги, унга нисбатан онгли ва масъулият билан ёндошиш жамият барча аъзоларининг турмуш тарзи ва ахлоқ нормаси бўлмоғи лозимлиги қайд этилган.

Саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун аввало, одам ўз танасининг тузилишини, ҳар қайси тўқима ва аъзоларининг нормал фаолиятини, ўсиш, ривожланиш ва кўпайиш қонуниятларини билиши зарур. Шунингдек, барча тирик мавжудотлар каби одамга ҳам хос бўлган бу биологик хусусиятларни асраш ва тобора такомиллаштириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни мукаммал билиш ва яратиш ҳам керак. Жаҳон тиббиёт фани тадқиқотларидан маълум бўлишича, агар одамнинг соғлиги 100 фоиз деб қабул қилинадиган бўлса, унинг 50 фоизи ҳар қайси одамнинг турмуш тарзига, 20 фоизи ташқи муҳит, яъни яшаш, ўқиш, меҳнат қилиш шароитига, 20 фоизи насл хусусиятларига ва ниҳоят 10 фоизи тиббий ёрдамга боғлиқдир. Муаллифлар бу масалаларга дарсликда муфассал тўхталганлар.

Дарсликда Абу Бакр ибн Аҳавай Бухорий, Абу Мансур Бухорий, Абу Саҳл Масих Журжоний, Абу Райҳон Беруний каби ватандош мутафаккирларнинг тиббиёт фанига қўшган ҳиссалари ҳақида ҳам зарур маълумотлар берилган. Айниқса, жаҳон тиббиёт фанининг асосчиларидан бири сифатида тан олинган буюк аллома Абу Али ибн Сино қолдирган илмий мерос анча батафсил ёритилган.

Янги дарслик 14 бобдан иборат. Унинг дастлабки бобларида одам организми, тана таянч-ҳаракат системасининг тузилиши, қад-қоматининг тўғри шаклланиши, одамнинг скелети, мускуллари ва нерв системасининг ривожланиши билан боғлиқлиги, қон одам организмининг бир қисми эканлиги, унинг физик-кимёвий хусусиятлари нисбий доимийлигининг таъминланиши, ташқи муҳит омилларининг юрак фаолияти ва қон босимига таъсири, нафас олиш органларининг тузилиши, турли муҳит шароитида нафас олиш, нафас олиш органларининг касалликлари ва уларнинг олдини олишга қаратилган гигиеник қоидалар, сунъий нафас олдириш усуллари баён этилган.

«Одам ва унинг саломатлиги» дарслик китобининг еттинчи боби моддалар ва энергия алмашинувига бағишланган бўлиб, унда одам организмида кечадиган ассимилция ва диссимиляция жараёнлари, уларнинг ёш ва кекса организмга хос хусусиятлари, оқсил, ёғ, углевод, сув, минерал тузлар алмашинувининг ёшга, йилнинг фаслига, жисмоний меҳнат ва спорт машғулотларини бажаришга қараб ўзгариши, витаминларнинг одам организми мўтадил фаолияти, ўсиши ва ривожланишидаги аҳамияти, витаминларнинг етишмаслиги натижасида юзага келадиган касалликлар, уларнинг олдини олиш ва даволаш чора-тадбирлари бўйича маълумотлар берилган. Саккизинчи бобда эса айириш органларининг аҳамияти, тузилиши, фаолияти, касалликлари ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ёритилган.

Дарслик-китобнинг ҳар бир бобида катта бир мавзу мукаммал баён этилади. Жумладан, тўққизинчи бобда терининг тузилиши, унинг ҳимоя, сезиш, айириш, нафас олиш, тана ҳарорати доимийлигини сақлаш ва ташқи муҳит, иссиқ-совуқ таъсирларига организмни чиниқтиришдаги аҳамияти баён қилинган бўлса, кейинги бобларда ички секреция безлари, асаб системаси тузилиши, олий нерв фаолияти, сезги органлари баён этилган.

Китобнинг якунловчи ўн тўртинчи бобида эса кўпайиш ва ривожланиш мавзуси ёритилган. Бола организмига ота ва она жинсий ҳужайраларининг қўшилиши вақтидан бошлаб, то туғилгунгача ва туғилгандан кейинги ўсиш ва ривожланиш даврида атроф-муҳит омиллари узлуксиз таъсир этиб туради. Ана шу таъсирларнинг қулай ёки ноқулай бўлиши ёш авлоднинг инсон сифатида жисмоний ва руҳий жиҳатдан шаклланишини белгилаши дарсликда батафсил баён қилинади.

Юқорида зикр этилганлардан келиб чиққан ҳолда шуни эътироф этиш лозимки, «Одам ва унинг саломатлиги» дарслик китобидан бир ўқув йили давомида сабоқ олиши натижасида 9-синф ўқувчилари одам танасининг тузилиши, ҳужайра, тўқима, орган ва органлар тизимининг вазифаси, аҳоли ўртасида кенг тарқалган касалликлар, уларни аниқлаш ва олдини олиш усулларини мукаммал ўрганадилар, экологик муаммоларнинг одам саломатлиги учун муҳимлиги, соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя қилиш нафақат ҳозирги авлоднинг манфаатлари учун, балки келгуси авлодни энг мақбул генетик программа билан таъминлаш учун ҳам зарур эканлигини ҳис этадилар, деб ўйлаймиз.

Ҳар қандай фан бўйича яратилган янги дарслик, албатта, ҳаммага ҳам дарров маъқул бўлавермайди. Чунки айрим ўқитувчилар эски дарслик китобига мослашиб қолган бўладилар, янги дарсликни ўзлаштириш, унинг афзал томонларини аниқлаш учун эса анча меҳнат талаб этилади. Бироқ янги дарслик соҳа илм-фанининг барча томонларини ўзида акс эттирганлиги билан кўпчиликка тез манзур бўлади, деб айтиш мумкин. У кўп йиллар давомида ёш авлодни «Одам ва унинг саломатлиги» фани бўйича билим олишга, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади, деб ишонамиз.

**Малла ОЧИЛОВ,**
**педагогика фанлари доктори, профессор,**
**Турдикул БАРАТОВ,**
**Китоб тумани А. ҚОДИРИЙ номидаги мактабнинг олий тоифали биология ўқитувчиси,**
**Баҳром МАҲМУДОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

*Обуна — 96*

## БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

Журналнинг навбатдаги 3—4-сонлари нашрдан чиқди. Унда Навоий давлат педагогика институтининг ўқитувчиси Гулчеҳра Тиловованинг «Нутқни бойитиш», Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг директори, педагогика фанлари доктори, профессор Даврон Шодиев ҳамда филология фанлари номзоди Р. Сафарова ҳамкорликда ёзган «Асосий предметлар», журналист Ашурали Аҳмаднинг «Бастакор шоир совғаси», Мамасоли Жумабоевнинг «Қалб тўлқинлари», республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказининг бош директори Шавкат Назаровнинг «Ватанни севмоқ...» сингари қизиқарли мақолалари ўрин олган. Шунингдек, ушбу сонларда таниқли масалчи шоир Ямин Қурбон ва ижодкор ўқитувчи (марҳум) Олланазар Қаршиевнинг бир туркум шеърлари эълон қилинган.

Мухбирнинг Мовароуннаҳр мусулмонлар диний идораси таълим бўлими мудири Абдулҳаким қори Комилжон ўғли билан суҳбати журналхонларда қизиқиш уйғотади. УзПФИТИнинг аспиранти Шоира Раҳимованинг «Оила муҳитида» деб номланган мақоласи фарзандларимизни қадимий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш учун нималар қилиш кераклиги муаммоларига бағишланган. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Д. Холмуродов, Н. Тилабова, М. Қурбонов ва бошқаларнинг турли мавзуларда ёзган мақолалари ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

«Ўзбек маорифининг ўтгандаги ва ҳозирги ҳоли» аср бошларидаги маданиятимиз жафокашлари фаолиятидан хабардор этади. А. Авлоний, А. Қодирий, Мунаввар қорилар билан бир даврда яшаб ўтган Шокиржон Раҳимий қаламига мансуб бу унутилган манба билан Ҳайдарали Узоқов таништиради.

Хуллас, «Бошланғич таълим» журнали истиқбол ёшларини улғайтириш йўлида мамлакатимиз маорифи олиб бораётган саъй-ҳаракат, изланишларни ифода этишга интилади. У муаллимларга, ота-оналарга таълим-тарбия борасида муайян маслаҳат, йўриқ бера олади. .

***

## «КАМОЛ ЭТ КАСБКИМ...»

Инсонлар дилида яхшилик, меҳр-мурувват гуллари очилиши, маънавиятнинг мусаффо булоқларидан сув ичиб, ҳар бир шахс ва жамият ҳаётини поклаш — мустақилликка эришган халқимизнинг эзгу мақсадидир. Авваллари бўлганидек, чиройли, жимжимадор, баландпарвоз сўзлар гўзал амаллар — ишлар билан мустаҳкамланмаса, одамлар бу сўзларга ишонмайди. Замондошларимизнинг тили билан дили бир бўлиши, ўзаро алдовларсиз, бунёдкор меҳнат билан келган ноз-неъматларга шукрона айтиб яшаши учун уларнинг онги ва қалбини поклаш зарур. Бунинг учун эса минг йиллар давомида эскирмайдиган маънавий қадриятлар ёрдамга келади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, журналимизда муҳаддислар пешвоси деб эътироф этилган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «Одоб дурдоналари» асари ҳақида (муаллифлари М. Зарипов ва У. Шарипов), Алишер Навоийнинг замондоши Фахриддин Али Сафий ибн Ҳусайн Воизнинг «Рашаҳот айнул ҳаёт» («Ҳаёт булоғидан томчилар») номли машҳур рисоласидан энг нодир намуналар, Абдулҳаким Жузжонийнинг «Тасаввуф таълимоти илдизлари», Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темурнинг давлатни бошқариш сиёсати», Е. Бертельснинг «Нажмиддин Кубро», Ҳамид Зиёевнинг «Темурийлар давлати мафкураси», Сайфиддин Жалилнинг «Бир дарёдан сув ичиб» («Турк отанинг васияти — бирликдур»), Ҳикмат Собировнинг «Амир Темур давлатининг харажатлари», Омонилло Бўриевнинг «Саид Барака», Абдулҳафиз Жалоловнинг «Маънавий бисотимиз қалби», Ҳожиакбар Раҳмонқуловнинг «Ҳуқуқий онг—тараққиёт гарови» каби асарлари берилди. Улар билан танишган оддий ўқувчи ҳам, зиёли ҳам ўз маънавиятини яна бир карра бойитганлигига имонимиз комил.

«Мулоқот» журнали янги йилда ҳам ўз мухлисларини нодир, сермазмун асарлар билан хурсанд қилиш ниятида. Янги йилда журналимизда Алишер Навоийнинг XV томлигида жуда қисқартириб босилган «Насойимул муҳаббат»нинг ҳали эълон қилинмаган қисмлари, Ато Малик Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонкушон», Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Муҳаммад Ғаззолийнинг «Кимиёи саодат» асарларидан боблар, Ф. Кўпрулизоданинг «Аҳмад Яссавий маноқиб ва тарихда», Абдусодиқ Ирисовнинг «Тасаввуф ва Аҳли Суффа», Расул Носировнинг «Ҳувайдо» каби қизиқарли тадқиқотлари босилади. «Муқаддас шаҳарлар» туркумидан Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара, Бухорои шариф, Байтулмуқаддас (Қуддуси шариф), Бағдод, Қоҳира, Машҳад, Самарқанд, Ҳирот каби табаррук маъволар тарихи билан танишасиз. Журнал янги йилда замонавий ҳаёт муаммоларига ҳам кенг ўрин беради.

«Мулоқот» индекси — 75401. Журналнинг бир сони — обуначига 15 сўм. Бир йиллик обуна баҳоси — 90 сўм. Ташкилотлар учун, бир сони — 30 сўм, бир йиллик обуна баҳоси — 180 сўм.

**«МУЛОҚОТ» ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТИ.**

## А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1995 йил ноябрь ойида режа асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди. Уларга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади.

1. Вилоят ХТВ назоратчилари — ўзбек гуруҳи 1-28 ноябрь
2. Туман (шаҳар) ХТБнинг ўзбек тили ва адабиёти бўйича методистлар — ўзбек гуруҳи 1-28 ноябрь
3. Ўрта мактаб директорлари (Андижонда) — ўзбек гуруҳи 6-25 ноябрь
4. Чет тилини чуқур ўрганадиган мактабларнинг чет тили ўқитувчилари (инглиз, француз) аралаш гуруҳи 1-28 ноябрь
5. Биология дарсларида ўқувчиларга экологик билим бериш (Хоразмда) ўзбек гуруҳи 1-4 ноябрь
6. Кимё фани ўқитувчилари методбирлашма раҳбарлари, ўзбек гуруҳи 1-28 ноябрь
7. Чақириққача ёшларни тайёрлаш раҳбарлари, рус гуруҳи 1-28 ноябрь
8. Олий ва биринчи тоифали информатика ва ЭҲМ асослари фани ўқитувчилари ўзбек гуруҳи 1-14 ноябрь
9. Мактаб тарих ўқитувчилари методбирлашма раҳбарлари, ўзбек гуруҳи 8-28 ноябрь
10. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларининг меҳнат ўқитувчилари (дурадгорлик), ўзбек гуруҳи 6-25 ноябрь
11. Болалар ва ўсмирлар ижодий марказий бўлим мудирлари, ўзбек гуруҳи 13-25 ноябрь
12. Бошланғич синф ўқитувчилари учун лотин ёзувидан муаллифлик курси, ўзбек гуруҳи 1-14 ноябрь
13. Мусиқа ўқитувчилари учун мақсадли курс, ўзбек гуруҳи 15-28 ноябрь
14. Соғлом авлодни шакллантиришнинг психологик асослари (Термизда), ўзбек гуруҳи 1-7 ноябрь
15. Янги дастур асосида ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчилари учун мақсадли курс (Наманганда), ўзбек гуруҳи 13-25 ноябрь
16. Янги тип мактаб (лицей, гимназия, коллеж)ларнинг инглиз тили ўқитувчилари, ўзбек гуруҳи 1-14 ноябрь

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари А. Авлоний номли ХТХМОМИ ҳисобидан тўланади. 24 кунлик курсга келган тингловчилар санаторий ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 1-10 ноябрь кунигача қабул қилинади.

*Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Талабалар шаҳарчаси. тел: 46-06-67; 46-06-62.*

## РЕСПУБЛИКА МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ДОИМИЙ ИШЛАБ ТУРУВЧИ КУРСИДА

1995 йил 1 — 28 ноябрда навбатдаги курслар ишлай бошлайди

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади.

I. Мактабгача тарбия муассасаларининг мудиралари, мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари 1 — 28 ноябрь

II. Вилоят ХТБ услубчилари.

Қисқа муддатли курс 1 — 18 ноябрь

III. ВУМОИлари кабинет мудирлари ва услубчилари — 1 — 18 ноябрь

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади.

26 кунлик курсга келган тингловчилар санаторий ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 4 ноябдан — 9 ноябргача қабул қилинадилар.

*Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани,*
*Саидов кўчаси, 6. Талабалар шаҳарчаси.*
*Телефон: 46-98-04.*

## ЭЪЛОН

Шу йил 28 октябрь соат 10.00 да Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Олим Хўжаев номидаги 21-ўрта мактабнинг 20 йиллиги ва Олим Хўжаев таваллудининг 85 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан мактабни битирган ўқувчиларни, бу даргоҳда ишлаган мураббийларни тантанали кечага таклиф этамиз.

МАНЗИЛИМИЗ: Юнусобод тумани, 6-даҳа, 21-мактаб. Автобус: 51,83,24.

Республика таълим илмий методика маркази жамоаси хорижий тиллар бўлимининг етакчи мутахассиси Г. Валиевага падари бузруквори

Вали Неъматович ГАРИПОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи:Ҳалим Сайид.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0454. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6